БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 195 (426)

1 ОКТЯБРЬ ШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

КПСС XX с'езди шарафига (1-нчи бет).

РЕПОРТАЖ: А. Азимжонов. — Шахтада бир кун (1-нчи бет).

Бугун партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йили бошланади. И. Муллажонов. — Кадрларнинг ғоявий-сиёсий савиясини тинмай оширамиз. Ж. Маҳмудов. — Янги ўқув йилини пухта тайёргарлик блан бошлаш учун (2-нчи бет).

Ху Чжун-цзи, — Хитой халқининг шонли муваффақиятлари (2-нчи бет).

Пахтакор ўртоқлар, ҳозирги куннинг ҳарбир соати ғанимат. Сур'атни тобора ошириб, давлатга кунсайин кўп пахта топшириш учун курашингиз! Я. Берсудский. — Пахта йиғим-теримини пухта уюштирайлик. С. Нў'монов. — Сирдар'ёда сур'ат бўш (3-нчи бет).

БИБЛИОГРАФИЯ: Т. Обидов. — Янги Хитой кишилари ҳақида китоб (3-нчи бет).

СССР блан Югославия ўртасида почта, телеграф-телефон алоқалари ҳақида ҳамда почта посилкалари айирбошлаш тўғрисида битим (4-нчи бет).

Нью-Йоркда СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов ҳузурида қабул маросими (4-нчи бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг X сессиясида (4-нчи бет).

Польша балиқчилари СССР Болтиқ флоти қўмондонлигига ташаккур билдирдилар (4-нчи бет).

Партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йили

Бугун шаҳарларда партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йили бошланади. Мингларча коммунистлар — партия, совет ва хўжалиқ ходимлари ҳамда партиясиз активлар марксизм-ленинизм назариясини янада чуқурроқ эгаллашга, ўзларининг сиёсий билимларини оширишга киришадилар.

Партия кадрларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтиришга ҳамавақт зўр э'тибор бериб келмоқда. Бунинг сабаби ма'лум. Марксизм-ленинизмнинг революцион назарияси блан қуролланган, тегишли даражада умумий билимга эга бўлган ва сиёсий тайёргарлиги бор ходимларгина партиямиз томонидан мамлакат ва халқимиз олдига қўйилган улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал қилаолади, ўзига топширилган участкада ишлабчиқариш-хўжалик планларининг тўла ва ошириб бажарилишини та'минлайолади.

Область партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг партия маорифи шохобчаларида ўқишни ташкил этиш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, янги ўқув йилига анча яхши тайёргарлик кўрдилар. Сиёсий мактаблар ва тўгаракларни комплектлашда юзакичилик ва расмиятчиликка йўл қўймасликка ҳаракат қиллилар, сиёсий билим олишда коммунистларнинг талаб ва ҳоҳишларини қондиришга кенг йўл очиб берилиган ихтиёрийлик принципига амал қиллилар. Тошкент шаҳар Москва район, Оҳангарон ва Олмалиқ шаҳар партия ташкилотларида партия маорифи шохобчаларини комплектлаш, пропагандистлар танлаш ва ўқишхоналарни жиҳозлаш ишлари муваффақиятли ўтди.

Олмалиқ шаҳар партия ташкилотлари ҳузурида КПСС тарихини ўрганиш бўйича 20 та асосий типдаги тўгарак ишлайди. Сиёсий иқтисод фанини ўрганиш тўгараклари бу йил 7 тага етди. Бундан ташқари партия, совет ва хўжалик активи учун шаҳар партия комитети ҳузурида саноат корхоналарининг экономикасини ўрганиш бўйича доимий ишлайдиган семинар ташкил қилинди.

Шаҳар партия комитети пропагандистлар танлашга алоҳида э'тибор берди. 46 пропагандистдан 26 таси олий ма'лумотли, 30 таси 4 — 5 йиллик пропагандистлик стажига эга кишилардир. Пропагандистлар учун ташкил этилган доимий семинарда икки марта машғулот ўтказилиб, методик кўрсатмалар берилди.

Бу йил В. И. Ленин таржимаи ҳолининг янги нашри чиқарилиши муносабати блан В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш тўгараклари, шунингдек «Сиёсий билим асослари» китоби чиқарилиши муносабати блан сиёсий мактабларнинг иши янада самарали бўлади. Партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йили ўтган йилгидан яна шунинг блан фарқ қиладики, бу йил сиёсий иқтисод фанини, саноат корхоналари экономикасини ўрганиш тўгараклари ва доимий семинарлари анча кўпаяди. Бу эса шаҳар ва район партия комитетларидан ва бошланғич партия ташкилотларидан партия пропагандасига э'тиборни янада кучайтиришни талаб қилади.

Ўтган ўқув йилида партия ташкилотлари сиёсий мактаб ва тўгаракларни ташкил этгандан кейин, уларнинг ишини системали контроль қилиб бормадилар. Қатнашчиларнинг давомати яхши бўлмаганидан ба'зан машғулотлар ўтказилмай қолди. Натижада бирқанча тўгарак ва сиёсий мактабларда ўқиш программаси бажарилмади.

Партия ташкилотлари бу йил дастлабки машғулотлар бошланиши блан қ ҳамма тингловчилардан машғулотларга узлуксиз қатнашишни талаб қилишлари, уларнинг ўқишлари учун шароит яратиб беришлари, тўгарак ва сиёсий мактабларда интизомни мустаҳкамлашлари ва машғулотларнинг юксак савияда ўтказилишига эришишлари лозим.

Бу йил марксизм-ленинизм кечки университетлари ва кечки партия мактабларининг тормоғи анча кенгайди. Марксизм-ленинизм асосларини ўрганган ва ўз назарий билимларини бойитиш истагида бўлган юзларча коммунист ва партиясиз активлар дастлабки машғулотларга зўр иштиёқ блан қатнашмоқдалар.

Ўтган ўқув йилида айрим партия ташкилотлари партия маорифининг бу соҳасига етарли э'тибор бермадилар. Янгийўл шаҳар партия комитети ўтган ўқув йилида кечки университет ишини етарли контроль қилмаганлиги натижасида давомат ёмон бўлди, тингловчилардан 40 киши 1-нчи курсни тамомлайолмади. Янги ўқув йилида бундай камчиликларга мутлақо йўл қўймаслик керак.

Шаҳар ва район партия комитетлари пропагандистларга системали инструктажлар бериб туришлари, пропагандистлар семинарларининг юқори савияда ўтишини та'минлашлари лозим. Машғулотларни ҳозирги куннинг конкрет вазифалари блан маҳкам боғлаб олиб бориш керак. Машғулотларда маҳаллий партия ва совет ташкилотлари олдида турган вазифаларни, ишлабчиқариш илғорлари ва новаторларининг тажрибаларини ҳикоя қилиб бериш лозим. Маҳаллий саноатнинг ўсиши тўғрисида, ишлабчиқаришга янги техникани жорий қилиш ва меҳнат унумдорлигини оширишга оид фактлар келтириш зарур. Бу эса тингловчиларга программада кўрсатилган темаларни пухта ўзлаштиришга ёрдам беради.

Партия, совет ва хўжалик ходимларидан бир қисми марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганмоқдалар. Бироқ, ўтган йилларда «мустақил ўқучилар» рўйхатига ёзилиб, кейинчалик ўзининг сиёсий-назарий билимини оширишга бепарволик блан қараган кишилар ҳам кўп бўлди. Бошланғич партия ташкилотлари эса мустақил ўқучиларнинг ўқишини контроль қилиб турмадилар. Бу йилги ўқиш йилида бундай нотўғри практика қаттиқ қораланиши керак.

Коммунист — ўз сиёсий билимини тинмай ошириши лозим. Бу унинг партия Устави талаб этган бурчидир. Партия ташкилотлари мустақил ўқучилар учун КПСС тарихига, философияга, сиёсий иқтисод, саноат ва қишлоқ хўжалиги экономикасига оид цикли лекциялар ташкил этишлари, улар блан назарий суҳбатлар, якка-якка ва группа тарзида йиғиб консультациялар ўтказиб туришлари лозим.

Қишлоқ партия ташкилотларида партия маорифи шохобчалари 15 ноябрьдан машғулот бошлайдилар. Бироқ, ўқиш йилига тайёргарлик ишлари ҳозирданоқ қизғин тусда олиб борилиши лозим. Коммунист ва партиясиз активлар блан якка-якка суҳбат ўтказиб, тўгарак ва сиёсий мактабларни комплектлаш, ўқишхоналар ажратиш, пропагандистлар танлаш ва улар блан семинар машғулотларини давом эттириш зарур. Бу йил зарур жойларда МТС зоналари бўйича кечки партия мактаблари ташкил этилади. Бу мактабларни комплектлаш ва пропагандистлар тайинлаш — шу кунларда қилиналиган ишдир.

Қишлоқда партия пропагандасининг энг муҳим вазифаси — коммунистлар ва колхоз-совхоз активларига қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш юзасидан партия ва ҳукуматнинг қарорларини чуқур тушунтиришдан иборатдир.

Партия кутубхоналари пропаганда ишида катта роль ўйнайдилар. Бу кутубхоналарда марксизм-ленинизм адабиёти ва кўргазмали қуроллар кўп. Кутубхоналарда лекциялар, консультациялар ўтказилали. Партия ташкилотлари кутубхоналарнинг ташкилотчилик ролини оширишлари, уларнинг китоб фондларидан яхшироқ фойдаланишлари керак.

Партиямиз кадрларнинг ғоявий-сиёсий савиясини ошириш учун керакли шароитни яратиб берган. Партия ташкилотлари янги ўқув йилини пропаганда ишларини янада яхшилаш, коммунистлар ва партиясиз меҳнаткашларни сиёсий-ғоявий жиҳатдан янада чиниқтириш шиори остида ўтказишлари лозим.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	бир кунда	мавсум бошидан	Районларнинг номи	бир кунда	мавсум бошидан
Оҳангарон	2,39	44,73	Верхне-волинск	1,63	28,44
Пискент	2,02	41,40	Октябрь	2,00	28,42
Оржоникидзе	2,17	36,82	Янгийўл	1,68	28,17
Ўртасарой	2,23	34,02	Сирдар'ё	1,89	27,89
Ховос	1,38	32,63	Оққўрғон	1,74	27,52
Мирзачўл	2,04	32,61	Чиноз	1,65	27,02
Юқоричирчиқ	2,04	31,97	Калинин	1,48	24,52
Бўка	1,91	31,78	Бекобод	1,68	23,43
Ўртачирчиқ	1,67	29,76	Боёвут	1,31	20,95
Гулистон	1,78	28,92	Қуйичирчиқ	1,64	19,84

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Совхозларнинг номи	бир кунда	мавсум бошидан	Совхозларнинг номи	бир кунда	мавсум бошидан
1-нчи Боёвут	1,69	23,39	1-нчи «Далварзин»	1,56	19,02
«Малик»	2,13	23,26	17-нчи совхоз	1,51	18,28
16-нчи совхоз	2,00	22,88	2-нчи Боёвут	1,44	17,38
2-нчи «Далварзин»	1,58	22,83	4-нчи Боёвут	1,40	16,94
3-нчи «Далварзин»	1,59	19,85	Кўқорол	0,81	16,73
«ЎзССР бешиллиги»	1,64	19,84	3-нчи Боёвут	1,14	15,21

КПСС XX с'езди шарафига

☆ ☆

Хомаш'ёдан унумли фойдаланиш ҳисобига

Тошкент қоғоз фабрикасининг коллективи тўққиз ойлик программани муддатидан олдин бажарди. Маҳсулотнинг таннархини камайтириш ҳисобига йил бошидан бери 300 минг сўмдан ортиқ маблағ тежалди.

Корхона коллективи бу муваффақиятларга хомаш'ёдан рационал фойдаланиш туфайли эришмоқда. Илгари қоғоз тайёрлаш учун ишлатилалиган хомаш'ёнинг 20 процентини оқартирилган целлюлоза ташкил этар эди. Эндилиқда қоғоз сифатига зарар етказилмаган ҳолда, целлюлоза ўрнига мажулатура ишлатилмоқда. Натижада ҳар тонна қоғознинг баҳоси анча арзонлашди. Бир группа техник ходимлар трубопроводларнинг махсус системасини қурди, бу система сувдаги толани кўпроқ ушлаб қолишга имкон беради. Бу тадбир фабрика коллективига оборот сувидан ушлаб олинган толадан йилига 40 тонна қоғоз ишлаб чиқариш имкониятини беради. (ЎзТАГ).

Рационализаторлар ғайрати

Сталин номли Чирчиқ электрохимия комбинати газогенератор цехининг коллективи давлат планларини доимо ошириб бажармоқда. Цехда кўплаб хомаш'ё, материал ва электр қуввати тежаб қолинмоқда. Бундай ютуқларни қўлга киритишда рационализаторларнинг қўшаётган ҳиссаси каттадир.

Фақат шу йил ичидагина цех ишчилари ва инженер-техник ходимлари томонидан 113 та қимматли ихтиро'чилик таклифлари тўпланди ва уларнинг 93таси ишлабчиқаришга татбиқ этилди. Бу таклифлар йилига 100 минг сўмдан ортиқ маблағ иқтисод қилиш имкониятини беради.

Рационализаторлар топшираётган таклифлар иш процессларини механизациялаштиришга, технологияни такомиллаштиришга, агрегатларнинг доимо бир ме'ёрда бешикаст ишлашини та'минлашга қаратилгандир. Кокс генераторларида подшипниклларнинг доимий равишда бир чети ишқаланиб ишдан чиқар эди. Илгари агрегатнинг бу қисми янгиси блан алмаштириларди.

Цехда тобора авж олдирилаётган рационализаторлик ҳаракатида бригада бошлиқлари Зобнин ва Бойқабулов ўртоқлар актив қатнашмоқдалар. Улар шу йилнинг ўтган вақти ичидагина 8 тадан қимматли таклиф топширдилар ва уларнинг ҳаммаси амалга оширилди.

И. САТТОРОВ.

Маҳсулот таннархи камайтирилмоқда

Тошкентдаги Ильич номли заводнинг меҳнатсевар коллективи КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш туфайли бешинчи беш йиллик топшириғини август ойидаёқ бажаришга муваффақ бўлди.

Завод ишчи ва инженер-техник ходимлари ишлабчиқаришдаги мавжуд имконият ва ички резервлардан кенг фойдаланиб, шу йилнинг ўтган 9 ойи ичида планга қўшимча равишда бирнеча юз минг сўмлик маҳсулот бердилар. Маҳсулот таннархи ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 17 процентдан кўпроқ камайди. Меҳнат унумдорлиги эса анча процент ортди.

Корхонада цехлараро социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Мусобақада Н. Духнов ва В. Королев ўртоқлар бошчилик қилаётган темирчилик ҳамда механика цехининг ишчилари олдинда бормоқдалар. Бу цехларнинг ишчиларидан С. Журавлев, И. Леневский, П. Митин ва З. Ҳалилов ўртоқлар смена топшириқларини ҳардоим 250 — 300 процентга етказиб бажараётирлар.

М. ЗИЁМУҲАМЕДОВА

Қиш фаслида ёзлик график бўйича

Тошкент темирйўли корхоналарининг коллективлари қишга тайёргарликни қизитиб юборилар. Олтмиш станция ва раз'ездларда йўл ва стрелка хўжалиги ремонтдан чиқарилди, қорни тўсиш учун йўл бўйларида бутазорлар барпо этилди. Йўл депосида локомотивларнинг ҳолати жамоат кўригидан ўтказилмоқда, паровозларни қумдонлар блан та'минлаш иши механизациялаштириди. Ёш темирйўлчиларга қиш шароитидаги илғор иш усулларини ўргатиш ташкил этилди.

Тошкент магистралининг темирйўлчилари СССР Йўллар министрлигига мурожаат қилиб, ҳамма поездларнинг ёзги графигини қиш фасли учун қолдиришни илтимос қилдилар. Министрлик новаторларнинг илтимосини қондирди. Темирйўлчилар ички резервларни қидириб топиб, қиш фаслида ўтган йил қишки нормадан ўрта ҳисобида 200 тонна оғирроқ юкли поездларни ҳайдайдилар. Поезднинг қатнов тезлиги ўтган йилдагидан беш-ўн километр ортиқ бўлади, ўтган қишда поездлар ижжита локомотив блан ҳайдаб борилган оғир участкаларда бу йил бир локомотив блан ҳайдаб борилади. Ёзги графикни қўлланиш Тошкент магистралининг темирйўлчиларига қиш ойларида махсус поездлар тузмасдан, қўшимча суратда ўн миллион тоннага яқин ҳархил юк ташиш имконини беради. (ЎзТАГ).

Сабзавот тайёрлаш плани бажарилди

Қорасув районининг сабзавотчилари шаҳар меҳнаткашларини картошка ва сабзавот маҳсулотлари блан мўл-кўл та'минлаш мақсадида фидокорона меҳнат қилиб, давлатга сабзавот топшириш йиллик планини муддатидан илгари 100,1 процент қилиб бажардилар. Сабзавот топширишда Ленин номли, Ворошилов номли ҳамда Свердлов номли колхозларнинг а'золари айниқса зўр ғайрат кўрсатдилар. Улар давлатга йиллик планнинг 111—127 проценти миқдорида сабзавот топширдилар.

Район сабзавотчилари шаҳар меҳнаткашларига йилнинг охиригача яна камида 750 тонна картошка ва сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Улар олган бу мажбуриятни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 38 йиллигигача бажариш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

ИЛҒОР ТЕРИМЧИЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГИЗ!

Октябрь районидаги Андреев номли колхозга бориб, қайси звено пахта териш ва тайёрлашда олдинда бораётир-деб сўрасангиз, ҳамма бир оғиздан ўртоқ Турсун Ғозиев бошқараётган комсомол-ёшлар звеносини тилга олади. Ҳақиқатан ҳам шундай. У бошлиқ звено а'золари сентябрь ойи ичида йиллик планнинг 55 проценти миқдорида пахта топшириб, барча колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлдилар. Звено а'золари бу ютуқлар блан асло кифояланмай, аксинча ғайратларига-ғайрат қўшиб, янада фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ўртоқ Т. Ғозиев колхозда кўпмингчилар ҳаракатининг ташаббускори бўлди, биринчи бўлиб ўз звеносида соатлик график асосида пахта теришни ташкил этди. У ўтган йили 8 тонна пахта терган эди. Бу йил эса 15 тонна пахта теришга аҳд қилган. У шу кунларда кунига 220 — 250 килограмма етказиб пахта термоқда. Натижада ўртоқ Ғозиев сентябрь ойида ёқ 5 минг килограммдан ошириб отбор сортли пахта теришга эришди.

Колхозда ўртоқ Т. Ғозиевнинг иш тажрибаларидан намуна олиб пахта тераётган С. Асқарова, М. Ҳикматиллаева ўртоқлар каби кўпгина илғор теримчилар ҳозиргача 4000 — 4500 килограммдан ошириб пахта тердилар.

Суратда: илғор теримчи ўртоқ Т. Ғозиев. Н. Меламед фотоси.

Теримчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг прогрессив методи

ПИСКЕНТ, (ЎзТАГ). Пискент районининг илғор колхозларида теримчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг прогрессив методига қаттиқ риоя қилинмоқда.

Бу методнинг самарали эканлиги Молотов номли колхоз мисолида яққол кўриниб турибди. Бу колхозда меҳнатни ҳисобга олиш ишлари пухта ташкил этилган, ҳамма пахтакорларнинг бажарган ишлари иш кунининг охирида дафтарчаларига ёзилиб туради. Масалан, кеча Хонигул Душаева 250 килограмм пахта териб, топширқни уч баравардан ҳам ошириб бажарди. Унга беш ярим меҳнат куни ёзилди. Ҳақ тўлашнинг прогрессив жадвалига мувофиқ Душаевага юқори иш унуми учун яна 2,75 меҳнат куни ёзилди. Бундан ташқари отбор пахта топширгани учун умумий иш унумининг 20 проценти миқдорида мукофот ҳам қўшилди. Шундай қилиб, у бир кунда 9,35 меҳнат куни ишлади. Хонигул Душаева сентябрь ойида 5500 килограмм пахта терди ва аванс тариқасида 1200 сўмдан кўпроқ пул ҳамда уч центнерга яқин галла олди.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив методи колхоздаги барча теримчиларнинг нормани анча ошириб бажаришларига, колхознинг давлатга пахта топшириш графигидан ўзиб кетишига ёрдам бермоқда.

РЕПОРТАЖ

Шахтада бир кун

Зал шахтёрлар блан гавжум. Йиғилганларнинг ҳаммасида ҳам бирхил кийим: оёғида резинка этик, бошида шахтёрлар шапкаси. Ўтирганларнинг ҳарбирида янги истак, орзу борлиги уларнинг ўзаро суҳбати ва чеҳраларидан сезилиб турипти.

Шахта бошлиғи йиғилишни очиб, коллективнинг бу йил эришган муваффақиятлари ҳақида қисқа гапириб, бундай деди:

— Бу йил ёмон ишлаётганимиз йўқ. Шу кунгача пландан ташқари 20 минг тоннадан ортиқ кўмир қазиб бердик. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 8 процент ошди. Лекин бундан ҳам яхши ишлашимиз учун барча шароит ва имкониятлар бор. Бунинг учун ички резерв ва иш вақтидан тўлиқ фойдаланиш лозим.

Шахта бошлиғи ўртоқ Маевнинг сўзи ҳали тамом бўлмаган ҳам эдики, залдан:

— Ёғочлар етказилиб турса бас, кўмирни қазиб чиқараберамиз, — деган овоз эшитилди.

Шахта бошлиғи билдирилган э'тирознинг ҳақли эканини та'кидлаб, сўзини якунлади.

Йиғилганлар орасидан ўрта бўйли қорачадан келган йигит ўрнидан турди. Шахта бошлиғи унга сўз берди.

Бригада бошлиғи Пискорский турган жойидан залдагиларга қараб гапиражетди. У, сўзининг охирида:

— Мен бригадамиз номидан ҳар сменада 250 тонна кўмир қазиб беришга ва кундалик ишлабчиқариш планини 150 процентдан ошириб бажаришга ва'да бераман. Судажов бошлиқ новалоотбойчиклар бригадасини социалистик мусобақага чақираман, — деди.

Йиғилиш қатнашчилари комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Пискорскийнинг бу чақириғини қарсаклар блан қутиб олишди. Судажов бошлиқ бригада ишчилари ҳам унинг чақириғини қабул қилишди. Орадан бироз ўтмай, иккинчи смена ишчилари шахтага қараб йўл олдилар...

Наряд тамом бўлганидан кейин биз ҳам шахтага тушиш мақсадида махсус хонага — «клет»га ўтирдик. Клет деганимиз худди лифтнинг ўзи. У, ҳам ба'зи лифтларга ўхшаб ўндан ортиқ киши қабул қилмайди. Клетга ҳаммамиз жойлашиб бўлганимизда кейин мотористка қизнинг кнопкани босганини кўрдик, холос. Клет пастга, чуқурликка тушган сари кундузги ёруғлик йўқолиб, ҳамма жойни тим қоронғулик босди. Фақат клетда турганларнинг шапкасидаги электр лампочкалари ёниб турарди. Клет эса ҳамон пастга қараб ғизиллаб борарди.

Клет тўхтади. Мотористка қиз эшикни очди. Клетдан шахтёрлар блан биргаликда биз ҳам чиқдик. Клет тўхтаган жойни «рудничний двор» дейишар экан. Рудничний дворнинг тагида шахтанинг склади жойлашган. Лаваларда қазилган кўмир дам ўтмай складдан скип орқали тепага чиқаралиб турибди.

Биз шахтанинг асосий штреки-коридори блан ичкарига қараб борамиз. Штрекнинг эни 4 метр, баландлиги эса 3 метрча келади. Унинг ўртасига ўрнатилган лентали транспортернинг ҳаракати кўзни қамаштиради. Кўмирнинг бункерга келиши тўхтовсиз. Демак шахтанинг ҳамма лаваларида кўмир қазилмоқда.

Штрек шахтанинг ичкарисига, азамат шахтёрларнинг иш жойига — лаваларга олиб боради. Ер устидан 120 метр чуқурликда бўлсак ҳам ҳаво шундай софки, ер тагида эканлигимизни сезмас эдик. Кучли вентилятор ҳавони тозалаб турибди. Ўртоқ Маев биздан 5-6 метр олдинда бормоқда.

Биз асосий штрек блан бир километрча юртанимиздан кейин лентали транспортерга қарама-қарши ўрнатилган механизмга дуч келдик. Буни шахтёрлар «бремзберг» деб аташди. Бремзберг лавада қазилган кўмирни пастдаги лентали транспортерга тушириб туради.

— Ана шу йўл, — деди ҳамроҳимиз Маев, — Пискорский бригадаси ишлаётган лавага олиб боради.

Лавага борадиган йўлнинг девори ҳам, шипи ҳам ёғочлардан қилинган, Лентали транспортёр эса, занжирли транспортёр блан алмашинган эди. Ичкарига, лавага қараб борганимиз сайин ёғоч устунлар ҳам сийрақлашиб қолди. Устунлар орасидан кўринаётган қатлам-қатлам кўмир кўзни қамаштиради.

Дам ўтмай, узоқдан лавада ишлаётган шахтёрлар кўринабошлади. Уларнинг ҳаракати тез, олинган мажбуриятларини ошириб бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Эрмат Бойматов, Раҳмат Тўгараевлан кўра кўпроқ кўмир қазийман деса, Қодир Шералиев, Убайдулла Ҳалиқулов ўртоқлар сиздардан қолишмаймиз дегандек самарали меҳнат қилар эдилар.

Биз лавага етиб келганимизда шахтёрлардан бири:

— Занжирни уладингми? — деб сўради.

Лаванинг нариги томонидан:

— Ҳа, уладим, — деган овоз эшитилди.

Шундан кейин занжирли транспортерда палахса-палахса кўмир оқабошлади. Занжирли транспортёр бироз секинлашди. Биз Эрмат Бойматов турган жойга бордик.

Суҳбат давомида ўртоқ Эрмат Бойматовдан қанча кўмир қазилганини сўраганимизда, у:

— Ҳозиргача 200 тоннадан кўп кўмир қазидик. Смена тамом бўлгунча яна 100 тоннага яқин кўмир қазиймиз, — деб жавоб берди.

Занжирли транспортёрнинг ҳаракати яна тезлашди. Лавада қазилган кўмир транспортёрда тўлиб оқабошлади.

Шу кунги қазилган кўмирнинг миқдорини билиш мақсадида шахта конторасига кирдик. Меҳнат ва иш ҳақи бўлими картотекасида Пискорский ва Судажов ўртоқлар бошлиқ бўлган бригадалар ишчиларининг исми ва фамилиялари тўғрисига 400 сўмдан пул ёзилганлигини кўрдик. Бу — илғор бригадалар а'золари ҳарбирининг бир смена давомида олдиган иш ҳақи, ҳалол ва фидокорона меҳнатнинг самараси эди.

Кўрсаткич тахтадаги сўзларни айтмайсизми? Ундаги сўзлар кишини қувонтиради:

«Ўртоқ Пискорский бошлиқ бригада ишчилари кеча 316 тонна, ўртоқ Судажов бошлиқ бригада ишчилари 309 тонна кўмир қазиб бердилар. Илғорларга тенглашингиз!» дейилган ёзув ҳамманинг диққатини тортади.

А. АЗИМЖОНОВ.

Бугун партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йили бошланади

☆ ☆ ☆ ☆

Кадрларнинг ғоявий-сиёсий савиясини тинмай оширамиз

Коммунистик партия мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш, совет халқининг моддий фаровонлиги ва маданий даражасини тўхтовсиз юксалтиришдек улуғвор вазифаларни амалга ошириш блан бирга кадрларни марксизм-ленинизм улуғ та'лимоти блан қуроллантиришга алоҳида э'тибор бермоқда. Республикамизнинг асосий кўмир ҳавзаси — Оҳангарон шаҳар партия ташкилоти кейинги йилларда кадрларнинг ғоявий-сиёсий савиясини ошириш соҳасида бирмунча ишлар қилди.

Партия маорифи шохобчаларида 1954—1955 ўқиш йилининг якуни партия, совет ва хўжалиқ активида ўзининг сиёсий ва назарий билимини оширишга, марксизм-ленинизм назариясини эгаллашга ҳавас анча ошганлигини кўрсатди. Ўтган ўқув йили шаҳар партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими ҳамда бошланғич партия ташкилотлари партия маорифига раҳбарлик қилишни анча яхшиладилар, машғулотларнинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан юксак даражада ўтишига алоҳида аҳамият бердилар.

Шаҳар партия ташкилотлари ҳузурида ташкил қилинган 38 тўгарак ва сиёсий мактабларда 471 киши, шу жумладан 407 коммунист ўқиди. Партия ва совет ходимларидан 120 киши ўз сиёсий билимини ошириш устида мустақил ишлади. «Узбекуголь» трести партия ташкилотининг ташаббуси блан кўмир корхоналари экономикасини ўрганиш учун ташкил қилинган назарий семинарда 100 киши қатнашди.

Шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг ходимлари машғулотларда тез-тез қатнашиб, юз берган камчиликларни тугатишга ёрдам бердилар. Партия маорифи шохобчаларида машғулотларнинг бориши тўғрисида шаҳар партия комитети бюросида бошланғич ташкилот секретарларининг 8 марта ахбороти эшитилди ва бу соҳада юз берган нуқсонларни тугатиш учун тегишли тадбирлар белгиланди. Пропагандистларнинг семинарлари ўз вақтида ўтказилиб турилди. Натижада тўгарак ва сиёсий мактабларда давомат яхшиланди, машғулотларнинг юқори сифатли ўтиши та'минланди. Шунинг учун ҳам 38 тўгарак ва сиёсий мактаблардан 32 тасида ўқиш программаси муваффақиятли бажарилди.

Шаҳар партия комитети бу йил партия маорифи шохобчаларида машғулотларни уюшқоқлиқ блан бошлаш учун олдиндан пухта тайёргарлик кўрди. Биз тўгарак ва сиёсий мактабларни комплектлашда ихтиёрийлик принципига алоҳида э'тибор бердик. Пропагандистлар танлаш ва тайёрлашда машғулотларнинг юксак савияда ўтказилишини кўзда тутдик.

Сиёсий мактаб ва тўгаракларни комплектлаш ҳамда пропагандистлар танлашда кўмир разрези партия бюроси (секретари Ўртоқ Юрчиков) айниқса пухта тайёргарлик кўрди. Бу ерда ҳарқайси коммунист блан алоҳида суҳбат ўтказилди. Бирқанча пшчи ва хизматчилар КПСС тарихини ўрганиш тўгараклари ва сиёсий мактабларда ўқишга ҳоҳиш билдирдилар. Мустақил ўқишни истаганлар ҳам кўп бўлди. 9-нчи шахта ва цемент заводида ҳам тўгарак ва сиёсий мактаблар коммунистлар блан якка-якка суҳбат ўтказиш асосида ташкил қилинди.

Шаҳар партия комитети машғулотлар бошланмасдан илгари тўгарак ва сиёсий мактабларнинг қай хилда комплектлаштирилганини текшириб чиқди. Текшириш натижасида ба'зи ташкилотларда ихтиёрийлик принципи бузилганлиги аниқланди. Масалан, «Узбекуголь» трести уй-жой—коммунал бўлимининг партия ташкилотида ихтиёрийлик принципи бузилган. Бошланғич партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Цой ҳарбир коммунист блан алоҳида суҳбат ўтказмасдан, тўгаракларнинг рўйхатини тузаберган. Шунинг натижасида етарли ма'лумотга эга бўлмаган Попова ва Жеманина каби ўртоқлар КПСС тарихини ўрганиш юқори тип тўгарагига ёзиб қўйилган. Қурилиш бошқармаси ва Лесхоз бошланғич партия ташкилотларида ҳам ана шундай хато такрорланган. Масалан, қурилиш бошқармасида ма'лумоти паст бўлган коммунист Кислова ва Бездольний ўртоқларга марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганишни маслаҳат берганлар.

Шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотларида йўл қўйилган юқоридаги камчиликларни ўз вақтида тугатишга киришди.

Бу йил шаҳар партия ташкилотлари ҳузурида КПСС тарихини ўрганиш бўйича 25 тўгарак ташкил қилинди. Айниқса 9-нчи шахта партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Қодиралиев, Оҳангарон қурилиш бошқармаси бошланғич партия ташкилотининг секретари И. Юван ва цемент заводи партия ташкилотининг секретари А. Огаркова ўртоқлар тўгаракларни ўз вақтида ташкил қилиб, машғулотларни бошлашга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

В. И. Ленининнинг таржимаи ҳолини ўрганиш юзасидан 4 тўгарак ташкил қилинди.

Бу йил сиёсий иқтисод фанини ўрганишга ҳавас анча ошди. Ўтган йили сиёсий иқтисод фанини ўрганиш тўгараги фақат бир ерда ишлаган бўлса, бу йил 6 жойда шундай тўгараклар ташкил қилинди. Шаҳар ижроия комитети, соғлиқни сақлаш бўлими ва 9-нчи шахта партия ташкилотлари ҳузурида ташкил қилинган сиёсий иқтисод фанини ўрганиш тўгарагига олий ма'лумотли коммунистлардан В. Соколов, А. Цой ва И. Ентин ўртоқлар раҳбарлик қиладилар. Бу ўртоқлар Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузурида ташкил қилинган бир ойлик пропагандистлар курсини тамомлаб келдилар.

Биз бу йил пропагандистлар танлаш ишига алоҳида э'тибор бердик, уларнинг кўпчилиги олий ва ўрта ма'лумотга эга бўлган мутахассислар ва раҳбар ходимлардир. Булар орасида 5—10 йиллик пропагандистлик стажига эга бўлган В. Соколов, А. Дрягин, Л. Мерцалова каби ўртоқлар бор. Пропагандистлардан 15 киши область партия комитети ҳузурида ташкил қилинган курсларда ўқидилар.

Шаҳар партия кутубхонасида пропагандистлар учун сиёсий иқтисод фанини ўрганиш тўгараги раҳбарлари ва КПСС тарихини ўрганиш тўгараги раҳбарлари учун учта семинар ташкил қилинди. Бу семинарларда биринчи машғулотлар ўтказилди.

Бу йил бизда партия ва совет активи учун марксизм-ленинизм кечки университети очилди. Бу университетга 120 киши, шу жумладан 80 коммунист жалб қилинган. Кўмир разрезининг бош инженери Ю. Мерцалов, цемент заводининг директори А. Королев, паровоз машинисти Н. Лазуткин каби ўртоқлар биринчи машғулотлардаёқ актив қатнашиб, ўз назарий билимларини оширишга жиддий киришдилар.

Бугун партия маорифи шохобчаларининг ҳаммасида машғулотлар бошланади. Ҳамма тўгарак ва сиёсий мактабларда машғулотларнинг нормал ўтиши учун тегишли шароит туғдирилган. Шаҳар партия комитети, бошланғич партия ва комсомол ташкилотлари коммунист ва комсомолларни ҳамда партиясиз меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ишига катта э'тибор бериб, партия ва комсомол маорифи шохобчаларида ўқиш йилини муваффақиятли ўтказишга эришадилар.

И. МУЛЛАЖОНОВ,
Оҳангарон шаҳар партия комитетининг секретари.

Янги ўқув йилини пухта тайёргарлик блан бошлаш учун

Л. М. Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводи партия ташкилоти партия ўқуви соҳасида ўтган ўқув йилида қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаб, кадрларнинг назарий билимини янада ошириш мақсадида янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрди. Завод партия кутубхонаси В. И. Ленин ва И. В. Сталининнинг асарлари, бадиий адабиётлар, кўргазмали материаллар блан бойитилди, машғулот ўтказиладиган хоналар жиҳозланди.

Барча цех партия ташкилотларининг секретарьлари ҳарбир коммунист блан алоҳида суҳбат ўтказиб, уларнинг ма'лумотлари ва ҳоҳишларига қараб, партия ўқувининг турли тармоқларига жалб этдилар. Темирчилик цехи партия ташкилоти секретари ўртоқ Т. Паршин коммунистлар блан яккама-якка суҳбат ўтказганида 14 коммунистан 7 киши саноат корхоналарининг экономикасини ўрганиш тўгарагига ёзилдилар. Булар орасида цех бошлиғининг ўринбосари И. Битютский, мастер В. А. Егоршин, смена бошлиғи П. Мазуров ва бошқа ўртоқлар бор. Қолган коммунистлар сиёсий иқтисод, КПСС тарихи қисқа курсини ўрганиш тўгаракларига ёзилдилар.

Ўтган ўқув йилида заводда ташкил этилган тўгаракларда асосан КПСС тарихи қисқа курси ўрганилган эди. Бу йил тўгаракларнинг тематикаси анча кенгайди. Бу йил КПСС Марказий Комитети июль Пленуминнинг саноатни янада юксалтириш ва техника тараққиётини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарори ўрганилади. Шунга мувофиқ завод партия ташкилоти саноат корхоналарининг экономикасини ўрганиш бўйича 4 тўгарак, сиёсий иқтисод фанини ўрганиш бўйича бир тўгарак ташкил этди. Бу тўгаракларда асосан бўлим ва цех бошлиқлари, инженер-техник ходимлар ва мастерлар ўқийдилар. Бундан ташқари 4 сиёсий мактаб КПСС тарихи қисқа курсини ўрганиш бўйича ташкил этилиб, бу мактабларга 170 коммунист жалб этилди. 90 коммунист конкрет темалар бўйича марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўқиб ўрганишга ҳоҳиш билдирди.

Партия комитети тўгаракларда машғулотларнинг юқори савияда, тингловчиларнинг актив қатнашуви блан ўтиши пропагандистларнинг малакасига боғлиқ эканлигини назарда тутиб, олий ма'лумотли ва пропаганда иши соҳасида тажрибага эга бўлган коммунистлардан 16 кишини пропагандист қилиб тасдиқлади. Булар орасида Йўллар министрлиги Локомотив хўжалиги бошқармасининг инспектори ўртоқ Лашкевич бор.

— Пропагандистлик шарафли ва мас'улиятли иш, бу ўқув йилида ҳам партия ташкилотининг ишончини албатта оқлайман, — дейди ўртоқ Лашкевич.

Партия топшириғини жон ва дили блан бажариб келаётган ўртоқ Лашкевич машғулотларни юқори савияда ва қизиқарли қилиб ўтказиш мақсадида ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрди. У, КПСС тарихи қисқа курсининг биринчи ўқув йилида ўтиладиган ҳарбир темаси бўйича қўшимча материаллар тайёрлади. Шунингдек бошқа пропагандистлар ҳам машғулотларни қизиқарли ўтказиш учун зўр ҳозирлик кўрдилар.

Ж. МАҲМУДОВ.

Шаҳар партия кутубхонасида

Бу йил шаҳарда партия маорифи шохобчаларида янги ўқиш йили яхши тайёргарлик блан кутиб олинди. Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари коммунистларнинг сиёсий ўқишини ташкил қилиш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширдилар.

Шаҳарда пропагандистларнинг 50 та доимий семинари ташкил қилинган. Шаҳар партия кутубхонаси ходимлари пропагандистларнинг доимий семинари ишини йўлга қўйиш ва уларнинг дастлабки машғулотларини ўтказишда район партия комитетларига яқиндан ёрдам бердилар. Уларнинг бевосита иштироки ва ёрдами блан шаҳар пропагандистлари доимий семинарларида 100 дан ортиқ машғулотлар ўтказилди.

Кутубхона консультантлари сиёсий мактаб ва тўгаракларнинг пропагандистлари ҳамда доимий семинарларнинг раҳбарлари блан бирнеча марта якка ва группа тартибида консультациялар ўтказдилар. Консультант Ўртоқ Назаренко Киров, Фрунзе, Ленин ва Сталин районларида биринчи машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида инструктаж докладлар қилди.

Партия кутубхонаси партия маорифи шохобчаларида ўқиш йилини бошлаш олдидан сиёсий мактаб ва тўгаракларнинг пропагандистлари, пропагандистлар доимий семинарларининг раҳбарлари учун «Халқаро аҳвол ҳақида» лекция уюштирди.

Ҳозир кутубхонада КПСС тарихи, философия ва сиёсий иқтисод тўгаракларининг пропагандистларига ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳарбир темани ўтишда фойдаланиш учун тавсия этиладиган сиёсий ва бадиий адабиётлар рўйхати тузиб тамомланди. Кўргазмали қуроллар, КПСС Марказий Комитети июль Пленуминнинг материалларини ўрганиш юзасидан ўтказиладиган машғулотларда фойдаланиладиган маҳаллий материаллар тайёрланди.

Партия кутубхонаси марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганучиларга ёрдам бериш учун октябрь ойида лекциялар уюштириш, КПСС тарихи, философия ва сиёсий иқтисод секцияларининг фаолиятини кучайтириб юбориш, консультантлар составини шаҳар олий ўқув юртларининг профессорлари ва ўқитучилари, фан докторлари ва кандидатлари ҳисобига мустаҳкамлаш каби қатор тадбирларни амалга оширди.

Шунингдек шаҳар районлари ва саноат корхоналарида кўчма консультациялар, кутубхоналар ташкил қилиш ҳамда бошқа қатор чораларни кўриш планлаштирилган.

Қишлоқда савдони яхшилайлик

Гулистон районидаги савдо-сотиқ ишлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Фақат бу йилнинг ўзида бирқанча магазин ва дўконлар қурилиб, ишга туширилди.

Ҳозир районда ҳаммаси бўлиб 28 магазин ва дўкон ишлаб турипти, улардан 20 таси қишлоқдадир. Янги-янги савдо корхоналарининг қурилиб ишга туширилиши, маҳсулотлар ассортиментининг кўпайиши товароборотининг тўхтовсиз ўсишига ёрдам бермоқда. Шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида матлубот кооперациясининг ташкилотлари қишлоқ меҳнаткашларига ўтган йилнинг шу муддатидагига қараганда 2,5 миллион сўмлик кўпроқ товар сотган. Тайёр кийимлар блан савдо қилиш анча кенгайди. 5-нчи магазин (мудири Ўртоқ Син Су Ман), 3-нчи магазин (мудири Ўртоқ Ли Чер Сун), 10-нчи зотлимоллар совхози ҳузуридаги магазин(мудири Ўртоқ Алиқулов) яхши ишламоқдалар. Бу магазинларда ҳамавақт ҳархил моллар кўплаб бўлиб туради, магазин ходимлари иste'молчиларга маданий хизмат кўрсатадилар, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларига зийраклик блан қулоқ соладилар.

Пахта терими бошлангандан буён магазинлар колхозчилар бўш бўлган вақтларида, я'ни эрталаб ва кечқурунлари ишламоқда. Районда савдо-сотиқ ишларини бевосита колхоз далаларида — бригада ва участкаларда ташкил этиш кенг йўлга қўйилган. Бу ерда жойларга мол ташиб бериш учун 4 та арава ва 14 та қўл блан ташиш бригалалари ташкил этилган. 3-нчи магазин мудири Ўртоқ Алиқулов «Красная заря» колхозининг пахтакорларига, 21-нчи магазин мудири Ўртоқ Хўжаев эса Молотов номидаги колхоз пахтакорларига мол олиб бориб сотишни айниқса яхши ташкил этганлар.

Кўпгина қишлоқ магазинларида, чунонч 10-нчи, 5-нчи ва 3-нчи магазинларда колхозчилар, механизаторлар ва қишлоқ интеллигенциясининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганишга катта э'тибор берилади. Магазин ва дўконларнинг мудирлари иste'молчиларнинг талаблари ёзиладиган дафтар ташлаб этганлар. Улар меҳнаткашларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда район матлубот союзининг савдо бўлимига заявкалар бердилар. Бу заявкалар албатта бажарилади.

Шунинг блан биргаликда район матлубот союзининг ишида катта камчиликлар ҳам бор. Матлубот союзининг раҳбарлари меҳнаткашларнинг талабларини етарли даражада ўрганмайдилар, хўжалик эҳтиёжига зарур бўлган буюмларни келтирмайдилар. Қишлоқ магазинларининг мудирлари ажратилган молларни ўз вақтида олмасликлари туфайли улар район марказидаги базаларда узоқ муддатгача қолиб кетмоқда. Савдо ходимларининг жонкуярлиқ блан ишламасликлари оқибатида 4-нчи, 1-нчи магазинларда ва 2-нчи дўконда керосин ва шу каби хўжалик учун зарур бўлган моллар узоқ вақтгача бўлмай қолган.

— Меҳнаткашларнинг ипак газлама, модельли пойафзалга бўлган талаби жуда катта, — дейди қишлоқ магазинининг мудири Ўртоқ Зоитова, — лекин биз бу талабни ҳамавақт қондираолмаймиз. Чунки ана шундай товарлар блан бизни доим та'минлаб турмайдилар. Планлаштирилган молларни кварталнинг охирига бориб оламиз, ёки уни мутлақо олмай қоламиз.

Қишлоқ магазинлари қурилиш материаллари — олиф, ҳархил бўёқ, мих ва шунга ўхшашлар блан етарли та'минланмайдилар.

Районда янги савдо корхоналарининг қурилиш ишларида ҳам анча камчиликлар бор. Район матлубот союзининг раҳбарлари ва область матлубот союзининг қурилиш конторасси (бошлиғи Ўртоқ Чубаров) қурилиш об'ектларини ўз вақтида топшириш, уларни зарур қурилиш материаллари блан та'мин этиш чораларини кўрмаётир. Масалан, район марказидаги раймагнинг қурилиши бирйилдан буён чўзилиб келмоқда. Шу вақт ичида бу ерда 9 прораб алмашилди. Ҳозир прораблик вазифасини Ўртоқ Мария Предибайло бажармоқда. У қурилиш ишларига етарли даражада раҳбарлик қилмаётир. Ҳали қурилишнинг охири кўринмайди. Шу йилнинг 7-нчи ноябрига ча 100 ўринли ошхонанинг фойдаланишга топширилиши планлаштирилган эди. Лекин ҳали ошхонанинг ярми ҳам қурилмаган. 1-нчи МТС ҳузуридаги ошхона қурилиб фойдаланишга топшириш муддати ҳам ўтиб бормоқда. Ошхонанинг фундаменти эса эндигина қурилиб бўлган.

Карл Маркс номли колхоздаги магазининг биноси магазин талабига жавоб бераолмайди. Товарларни сақлаш учун махсус хона йўқлиги сабабли улар уйилиб ташланган. Бу эса товарларнинг бузилиб қолишига сабаб бўлмоқда. Райондаги 11 қишлоқ магазини ремонтга муҳтож. Лекин уларни ремонт қилиш ҳақида ҳали бирор киши ўйлаб ҳам кўрган эмас.

Район марказидаги якка-ягона ошхонанинг ремонти узоқ вақтдан бери битмай келмоқда. Шу сабабли ҳам район марказидаги меҳнаткашлар қаерда овқатланишларини билмайдилар.

Сабзавот маҳсулотлари блан комиссион тартибда савдо қилиш районда уюштирилмаган. Айрим магазинлар борки, улар товар оборoти планини бажармай келмоқдалар. Хўжалик моллари магазинининг мудири Ўртоқ Соатов иste'молчиларга қўпол муомала қилади. Лекин район матлубот союзидагилар совет савдоси қоидасини бузучи бундай шахсларни тартибга чақирмай, улар блан мурoса қилиб келмоқдалар.

Район матлубот союзининг складида қимматбаҳо товарлар ҳаракатсиз ётипти. Масалан: бу ерда 50 тонна нефтебитум, ҳархил йўгонликдаги 100 тонна сим, 260 тонна ўтга чидамли гишт 5 йилдан бери, 14 фин уйи эса 1951 йилдан бери ётипти. Улар бузилмоқда, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолмоқда. Уларни тезда сотиб тарқатиш тўғрисида бирор киши ҳам қайғирмаётир. Мана бундай камчиликлар товар оборотининг ўсишига халақит бермоқда.

Гулистон район матлубот союзининг раҳбарлари СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг совет савдосини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорига амал қилиб, қишлоқда совет маданий савдоси хизматини тубдан яхшилашлари керак.

В. ЯСТРЕБКОВ.

Тошкент шаҳар совети ижроия комитетида

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар аҳолисининг, шунингдек барча давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларининг, корхона ва муассасаларнинг маблағи ва имкониятларини шаҳарда зарур санитария режимини ўрнатишни та'мин этишга қаратиш мақсадида қўйидаги составда Тошкент шаҳар санитария-ободончилиги комиссиясини тасдиқлади:

Комиссия раиси — ўртоқ **А. И. Коволенко** — шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари;

Комиссия а'золари — ўртоқ **Х. Р. Мусохонова** — шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари, ўртоқ **В. Ю. Шомирзаев** — шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири, ўртоқ **И. К. Қаландаров** — шаҳар милиция бошқармасининг бошлиғи, ўртоқ **Н. Я. Тожибоев**—шаҳар ижроия комитети маданият бошқармасининг бошлиғи, ўртоқ **А. Т. Тожиев** — шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири, ўртоқ **Ҳ. У. Хўжаев**—шаҳар ижроия комитети ободончилик бошқармасининг бошлиғи, ўртоқ **Б. П. Туполев** — шаҳар прокурори, ўртоқ **А. И. Андреева** — шаҳар бош санитария врачи.

Шаҳар ижроия комитети район ижроия комитетларига санитария ободончилиги бўйича район комиссиялари тузишни, шунингдек уй-жой бошқармалари, маҳалла комиссиялари ҳузурида 5 — 7 кишидан иборат санитария комиссиялари тузишни топширди.

Хитой халқининг шонли муваффақиятлари

(Хитой Халқ Республикасининг тузилганлигига 6 йил тўлиши муносабати блан)

ХУ ЧЖУН-ЦЗИ

Хитой Халқ Республикаси тузилган кунга 6 йил тўлди. Шу ўтган давр ичида хитой халқи Хитой Коммунистик партияси ва унинг отоқли йўлбошчиси Ўртоқ Мао Цзэдун раҳбарлиги остида ўзининг ишчилар синфи бошчилигидаги ҳамда ишчилар блан деҳқонлар иттифоқига таянган халқ демократик тузумини вужудга келтирди, ўз давлати қудратини мустаҳкамлади. Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди. Бутун халқнинг ҳамжиҳатлик блан ҳаракат қилиши натижасида иқтисодий ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида гоят катта муваффақиятлар қўлга киритилди.

Хитой Халқ Республикасидаги яратучилик иши 6 йил ичида икки этапни — халқ хўжалигини тиклаш ва уни янада ривожлантириш этапини босиб ўтди. Дастлабки 3 йил мобайнида хитой халқи ўз сиёсий онгини кўп жиҳатдан оширди, мудофаани мустаҳкамлади, Америка империализмининг мамлакатимизга бостириб кириш ниятларини барбод қилди ва узоқ давом этган уруш жароҳатларини тузатди. 1952 йилда саноат ва қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти баҳо блан ҳисобланганда 1949 йилдагига нисбатан 77,5 процент ошди. Шу блан бирга ҳозирги замон саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 178,6 процент ўсди. Ҳозирги замон саноат маҳсулотининг саноат ва қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги ҳиссаси 1949 йилда 17 процентни ташкил қилган бўлса, 1952 йилда 26,7 процентга етди. Давлат, кооператив ва давлат-хусусий саноатининг ялпи саноат маҳсулотидаги салмоғи баҳо блан ҳисобланганда 1949 йилда 36,7 процент бўлган бўлса, 1952 йилда 61 процентга етди. Экономиканинг социалистик сектори халқ хўжалигида ҳукмрон, раҳбар секторга айланди.

Халқ хўжалиги тикланиб бўлгач, Хитой Коммунистик партияси ўтиш даври учун бош йўлни белгилади. Бу даврда мамлакатни социалистик негизда индустриялаштиришни аста-секин амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигида, кустар саноатида, капиталистик саноат ва савдода секин-аста социалистик ислоҳотлар ўтказишни вазифа қилиб қўйди. Партиянинг Хитойнинг қудратли социалистик давлатга айлантиришга, социализм қуришга қаратилган бу бош йўли давлатимиз Конституцияси блан мустаҳкамланган.

Хитой Коммунистик партияси бош йўлига амал қилиб, давлатимиз 1953 йилдан бошлаб биринчи бешйиллик планни амалга оширабошлади. Бешйиллик планнинг асосий вазифаси — асосий кучни оғир саноатни устун даражада ривожлантиришга қаратиб, мамлакатни социалистик индустриялашнинг дастлабки базасини яратишдан иборатдир. Бу соҳада бизнинг улуғ иттифоқчимиз—Совет Иттифоқи бизга биродарларча самимий ва бегараз ёрдам кўрсатди ва кўрсатмоқда. Совет мутахассислари биринчи бешйиллиқда қурилаётган 694 йирик саноат корхоналаридан 156 та асосий саноат об'ектларини проектлаш ва қуришда ёрдам кўрсатмоқдалар.

Биринчи бешйиллик планда иқтисодий ва маданий қурилишларга ажратилган маблағни 76.640 миллион юанга етказиш, бундан 42,740 миллион юанни капитал қурилишларга сарфлаш кўзда тутилган. Биринчи бешйилликнинг ўтган икки йили ичида 336 йирик саноат об'екти, шу жумладан йирик прокат цехи, чоксиз трубалар цехи, учта автоматик домна печьлари, Аньшань металлургия комбинатидаги энг илғор ускуналар блан жиҳозланган тунука цехи ишга туширилди. Хитойнинг собиқ қолоқ районларида саноат ўсмоқда. Ланьчжоу, Синань, Урумчи, Тайюань, Чунцин, Шицзячжуан ва бошқа шаҳарларда ҳозирги замон электростанциялари, йирик завод ва шахталар қурилди ёки қурилмоқда. Ҳозир мамлакатда 411 та йирик корхона — Ўхань ва Баотоудаги металлургия комбинатлари, бир йилда 30 минг юк машинаси ишлаб чиқарадиган автомобиль заводи, ҳар йили 15 минг қудратли трактор ишлаб чиқарадиган трактор заводи ва бошқа кўпгина корхоналар қурилмоқда.

Темир йўллар ва шоссе йўлларининг қурилиши мамлакатимиз учун катта аҳамиятга эгадир. Бешйиллиқнинг дастлабки икки йили ичида 1400 километр магистральлар қурилди. Шу давр ичида 6600 километр узунликдаги шоссе йўллари қуриб битказилди. Қуруқчиларнинг энг катта ғалабаси Сикан-Тибет ва Цинҳай-Тибет шоссе йўлларини қуриш бўлди. Бу икки йўлнинг умумий узунлиги 4300 километрдан ошади.

Раҳбарлик усулларининг, экономия режимининг яхшиланиши ва меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ўсиб бориши натижасида бешйилликнинг дастлабки икки йиллик плани муваффақият блан бажарилди. Саноат ялпи маҳсулотининг ўсиши 1954 йилда 1952 йилга нисбатан 53,7 процентни ташкил қилди. Энг зарур маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ошди. Масалан, чўян ишлаб чиқариш 56 процент, пўлат — 65 процент, электр энергияси — 51 процент, кўмир — 26 процент, цемент — 61 процент, тахта-ёғоч — 111 процент, ип-газлама ишлаб чиқариш 37 процент ошди. Давлат корхоналарида икки йил мобайнида меҳнат унумдорлиги 29 процент ошди, маҳсулот таннархи 9,6 процент камайди. Бу рақамларнинг ҳаммаси давлатимиз социалистик индустриялаш йўлида олга қараб катта қадам ташлаганлигини кўрсатади.

Бешйиллик планда саноатни ривожлантириш блан бир қаторда қисман коллектив мулкчиликка асосланган қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативларини ҳамда кустар ишлабчиқариш кооперативларини ривожлантириш йўли блан қишлоқ хўжалиги ва кустар саноатини социалистик қайта қуришнинг дастлабки базасини яратиш, капиталистик саноат ва савдони асосан давлат капитализми рельсига ўтказиш йўли блан хусусий саноат ва савдони социалистик қайта қуриш базасини яратиш белгиланган.

Кооперативлар — майда деҳқон хўжаликларини ўзгартиришнинг энг муҳим формасидир. 1952 йилда мамлакатда ҳаммаси бўлиб, 3644 кооператив, 1954 йилнинг охирида 500 минг кооператив бўлган бўлса, 1955 йилнинг баҳорида 15 миллиондан кўпроқ деҳқон хонадонларини ёки Хитойдаги деҳқон хонадонларининг 14 процентини бирлаштиручи 670 минг кооператив бор эди. Сўнгги йиллар мобайнида ташкил қилинган қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативларининг 90 процентдан кўпроғи етарли даражада мустаҳкамланиб олди, булардан кўпчилиги маҳсулотни кўпайтириш соҳасида бирмунча ютуқларни қўлга киритди.

1954 йилнинг охирларида мамлакатда тахминан 2500 давлат хўжаликлари, шу жумладан 100 та механизациялашган давлат хўжаликлари ташкил қилинган эди. Совет Иттифоқи ёрдами блан тузилган «Дружба» номли давлат хўжалиги 375 минг му (1 му 1/15 гектарга тенг) қўриқ ерларни очади. Бу давлат хўжалиги мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришни ривожлантириш соҳасида намуна сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатда 161 миллион а'зога эга бўлган 30 минг та'минот-савдо кооперативлари ва 150 минг кредит кооперативлари бор.

Қишлоқ хўжалигининг кооперативлаштирилиши ва қишлоқ хўжалигида социалистик экономика секторининг ўсиши майда деҳқончилиқ хўжалигидаги стихияли капиталистик тенденцияларни чеклайдики, бу қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун қулай шароитлар яратиб бермоқда.

Қишлоқ хўжалигини кооперативлаштириш учун курашнинг авж олаётганлиги ва кенг деҳқонлар оммаси активлигининг ўсаётганлиги туфайли мамлакат қишлоқ хўжалиги ишлабчиқариши сезиларли даражада ўсди. 1952 йилнинг ўзидаёқ ғалла, пахта, чорвачилик ялпи маҳсулоти шунингдек балиқ ва денгиздан олинадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш Японияга қарши урушгача бўлган даврдаги энг юқори даражадан ҳам ошиб кетди. 1954 йилда асосий ғалла районларида сўнгги юз йил ичида мисли кўрилмаган сув тошқини бўлганига қарамай, мамлакатда ғалла ҳосили 1952 йилги ҳосилдан ошиқроқ бўлди.

1954 йилда бутун мамлакатда тахминан 21.300 дань (1 дань 50 килограммга тенг) пахта етиштирилди, бу 1949 йилдагига нисбатан 3 мартадан зиёдроқ кўпдир.

Хитой қишлоқ хўжалигининг ривожланиши кўп жиҳатдан ирригацияга боғлиқдир. Сўнгги 6 йил мобайнида давлатимиз ҳажм жиҳатидан гоят катта бўлган кўпгина ирригацион иншоотларни қурди . 1954 йилнинг охиригача ирригация иншоотларидаги тупроқ ишларининг ҳажми 3.500 миллион кубометрдан ортиқроқ бўлди. Ҳуайҳэ дар'ёси ҳавзасида 5 та сув омбори қурилди, яна 2 сув омборини — Наньяи ва Мэйшань сув омборларини қуриш тугалланай деб қолди. Бу йил Янцзининг асосий ирмоғи бўлган Ханьшуй дар'ёсини тўбдан тартибга солиш бўйича ишлар бошланди. Хуанҳэ дар'ёсини жиловлаш бўйича улуғ план э'лон қилинди. Бу план бўйича Хуанҳэни бутунлай ўзгартириб юборадиган 46 тўғон қуриш кўзда тутилади. «Хитой офати» номи блан юритилган бу дар'ё унинг ҳавзасида яшовчи 180 миллион аҳолининг бойлик ва шодлик манбаига айланади. Дар'ё 116 миллион му ерни суғоради. арзон электроэнергия беради ва қуйилиш жойидан то Ланьчжоу шаҳригача кемалар қатнаши имкониятини беради. Биринчи навбатда қуриладиган Саньминь ва Люцзя дар'ёларида қуриладиган электростанцияларнинг ўзи ҳар йили 9,8 миллиард киловатт-соат электроэнергия етказиб беради.

Халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш натижасида хитой халқининг турмуш даражаси тўхтовсиз яхшиланиб бормоқда. Бу даставвал, ишлабчиқаришда машғул бўлган ишчи ва хизматчилар сонининг ошишида, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларининг яхшиланишида кўринмоқда. Бешйиллиқнинг фақат икки йили ичида, хусусий саноат ва савдони ҳисобга олмаганда, ишчи ва хизматчилар сони тахминан 2 миллион кишига ортди, иш ҳақининг умумий суммаси 56 процент кўпайди. 5.350 минг ишчи ва хизматчи меҳнат страхованиесига тортилди. 1954 йилга келиб қишлоқ аҳолисининг харид қуввати 70 процентга яқин ўсди.

Хитой халқининг маданияти юксалмоқда. 1954 йилда ўрта мактаб ўқучиларининг сони 3.500 минг кишидан ошди, бу 1949 йилдагидан уч ярим мартадан зиёдроқ кўпдир. Бошланғич мактабларда 51 миллион ўқучи шуғулланмоқда.

Хитойда катталар учун очилган мактаблар тез ўсмоқда. Ўтган йили 2.780 минг ишчи ва бирнеча ўнларча миллион деҳқонлар ишлабчиқаришдан ажралмай туриб та'лим олдилар.

Давлат юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тўғрисида гамхўрлик қилиб. олий ва ўрта ўқув юртлари тармоқларини кенгайтирмоқда. Янги ўқув йилида Хитой олий ўқув юртларида 289 минг студент ўқийбошлади. Бу 1952 — 1953 йилдагидан анча кўпдир. Шу нарса характерлики, 6 йил ичида Хитойда мамлакат озод бўлмасдан илгари ўтган 51 йил мобайнида қурилган ўқув биноларига нисбатан 1.050 минг квадрат метр кўпроқ ўқув бинолари қурилган. 1950 йилдан бери 215 минг олий ма'лумотли мутахассислар етишиб чиқди.

Шу 6 йил ичида хитой сан'ати ҳам гуруллаб ўсди. Театр ва кино сан'ати соҳасидаги прогресс айниқса кўзга кўринарлидир. Мамлакатдаги барча йирик шаҳарларда кўпгина театр ва кинотеатрлар қурилди. Барча шаҳар ва қишлоқларда кутубхоналар, музейлар, маданият уйлари қурилмоқда.

Нашриёт иши жуда тез ривожланмоқда. Китоб ўқиш шаҳар ва қишлоқлардаги миллион-миллион кишиларнинг кундалик эҳтиёжига айланиб қолди.

Хитой Халқ Республикасининг 6 йил ичида иқтисодий ва маданий қурилиш соҳаларида эришган катта ютуқлари хитой халқининг юксак активлиги ва ижодий ғайратининг натижасидир. Шу блан бирга бу ютуқлар Совет Иттифоқи, халқ демократияси мамлакатлари ва жаҳондаги барча тинчликсевар халқларнинг бизни қўллаб-қувватлаётганликлари, бизга

Пахтакор ўртоқлар, ҳозирги куннинг ҳарбир соати ғанимат. Сур'атни тобора ошириб, давлатга кунсайин кўп пахта топшириш учун курашингиз!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Пахта йиғим-теримини пухта уюштирайлик

Областимиз колхоз ва совхозлари далаларида пахта йиғим-теримининг ҳал қилувчи даври бошланди. Областимиз меҳнаткашлари КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, пахта териш ва уни давлатга топшириш сур'атини тобора кучайтирмоқдалар. Пискент районидаги Молотов номли, Калинин номли, Бекобод районидаги Молотов номли, Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли» ва бошқа илғор колхозлар тайёрлаш пунктига ҳар куни йиллик планнинг икки процента ва ундан ҳам кўп миқдорда пахта топширмоқдалар. Бу илғор колхозлар сентябрь ойида давлат планини 45—50 процент бажариб, колган пахта ҳосилини 1 ноябрьгача йиғиштириб олиш ва кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида бошлаб юбориш учун курашмоқдалар.

Брок, кўпгина районлар ва колхозлар терим ишларини ҳали ҳам чиназамига кучайтириб юбормаганлар, улар мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаётирлар. Бекобод, Верхне-волинск, Сирдар'ё, Чиноз ва бошқа бир қатор районларда пахта йиғим-теримн, айниқса қониқарсиз уюштирилган. Бу районлардаги кўпчилик колхозлар пахта тайёрлаш планини энди 8—15 процент бажардилар. Буларда кундалик пахта топшириш 1—1,2 процентдан ошмаётир. Пахта тайёрлашдаги бундай қолоқликка, биринчи навбатда ишчи кучларидан етарли фойдаланмаслик ва теримда меҳнатни тўғри ташкил қилмаслик сабаб бўлмоқда.

Пахта йиғим-терими қисқа муддатли кампания. Бу ишга колхоз ва совхозлардаги барча кучларни тўла сафарбар этиш керак. Шундагина йиғим-теримда умумий юксалишга эришиш мумкин. Буни бирқатор колхозларнинг тажрибаси кўрсатмоқда. Масалан, Ўртасарой районидаги «XIX партс'езд» колхози ўттан йилгача қолоқ бўлиб келган эди. Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти бу йил пахта йиғим-теримини анча уюшқоқлик блан бошлаб юбордилар. Меҳнатга яроқли аҳолининг 90 процента теримга жалб қилинди. Меҳнат тўғри уюштирилгани учун теримчилар кундалик нормаларини ошириб бажармоқдалар. Шунинг учун колхоз пахта йиғим-теримида олдинда бормоқда.

Ҳозирги вақтда далачилик бригадаларини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида э'тибор бериш керак. Бу бригадалар составини сабзавотчилик, шоликорлик ва галлачилик бригадалари а'золари ҳисобига тўлдириш, улардан пахта теримида фойдаланиш мумкин. Шунда бевосита терим ишларида қатнашаличан кишилар сони кўпаяли, терим сур'ати тезлашади. Брок, жойларда бу масалага етарли э'тибор берилмаётир. Натижада бошқа ишларга зарар етказмасдан пахта теримига жалб этилиши мумкин бўлган кишиларнинг қариб 35—40 процента четда қолаётир. Илғор колхозларнинг тажрибаси ҳатто катта хирмондаги барча ишларни 3—4 киши бемалол бажариши мумкин эканлигини кўрсатмоқда. Ҳолбуки кўпчилик колхозларда меҳнат тўғри ташкил этилмаганлиги учун хирмонда 7—8 киши ишламоқда. Хирмонларда қоп-қанорларга пахта солаётган станокларнинг ишқилиги ҳам меҳнат унумининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Натижада қўл меҳнатини тежаш, ортиқча кучни бевосита теримга жўнатиш мумкин бўлмаётир.

Пахта тайёрлашни тезлаштиришда колхозчиларнинг меҳнат унумини максимал кўтаришга эришиш муҳим роль ўйнайди. Лекин кўпчилик колхозларда меҳнат унуми жуда паст. Ўртасарой районидаги Свердлов номли, Ўртачирчиқ районидаги Куйбишев номли, Чиноз районидаги Сталин номли ва бошқа бир қатор колхозларда пахта теримида колхозчиларнинг ўртача кунлик меҳнат унуми 50 килограммдан ошмаётир. Бу ҳолнинг асосий сабаби шуки, кўпчилик колхозларда ҳозиргача иш куни тартибга солинмаган ва йиғим-теримда меҳнат тўғри ташкил қилинмаган.

Далачилик бригадаларида теримнинг тўғри ташкил қилиниши меҳнат унумини оширишда муҳим роль ўйнайди. Ҳарбир бригада ма'лум участкада пахта терими, ишчи кучлари ҳамма участкаларга сочилиб кетмаслиги лозим. Акс ҳолда теримчиларнинг иши устидан контрольлик қилиш, терим сифатини тузатиш ва кундалик нормаларнинг бажарилишига эришиш мумкин бўлмайди. Теримчига қаторларни бўлиб бериш керак. Бу тадбир теримчилар иши устидан контрольлик қилишни енгиллаштиради.

Илғор колхозлар пахта йиғим-теримида ишни соатли график асосида ташкил қилмоқдалар. Бунда ҳарбир теримчидан кундузги танаффусларгача ва ундан кейин кечгача қат'ий белгиланган миқдорда пахта териш талаб қилинади. Масалан, эрталабки нонуштагача ҳарбир теримчи кундалик норманинг камида 20—25 процентини териб топшириши керак. Эрталабки нонушта блан тушки овқатланиш ўртасида кунлик норманинг 40 —45 процентини, тушки овқатдан кейин иш куни охиригача нормаинг колган 30—40 процентини териб топшириши лозим.

Соатли график теримчиларнинг кундалик нормаларини бажариш учун ҳаражатларини ошириш, меҳнат интизомининг мустаҳкамланишига ёрдам беради, иш кунининг ҳар соатидан унумли фойдаланишга ўргатади. Терим, соатли график асосида уюштирилганда ҳарбир теримчина иккитадан этак блан та'минлаш талаб қилинади. Шу блан бирга пахта бевосита далада тортилади ва қабул қилиб олинади. Теримчи бир этакни тўлдиргач, уни қатор орасида қолдириб иккинчи этакка тераверади.

Кўпгина колхозларда хирмонларни тайёрлаш ишига етарли э'тибор бермайдилар. Одатда хирмонлар сони кам ва улар яхши тайёрланмаган бўлади. Хирмони фақат битта бўлган бригадаларда узоқ участкаларда терилган пахталар ҳаммаси ана шу битта хирмонга олиб келинади. Бу эса ортиқча оворагарчилижка сабаб бўлади. Шунинг учун бригадада марказий хирмонлан ташқари участкаларда яна унча катта бўлмаган майдончалар ҳам тайёрлаш керак.

Теримчиларнинг меҳнат унумини оширишда кундалик ва мавсум нормаларини белгилаш масаласи катта аҳамиятга эга. Кундалик нормаларни ҳарбир колхознинг, бригаданинг хусусиятларини, ҳосилни ва кўсакларнинг очилиш даражасини қат'ий қисобга олган ҳолда белгилаш керак. Бу нормаларни камида ҳар ўн кунда бир марта қайта кўриб чиқиш лозим.

Колхозларнинг правленислари, агрономлар теримчиларни участкадан-участкага кўчиришни тўғри ташкил қилишлари лозим. Кўп вақт колхозчиларнинг кўсаклари яхши очилмаган участкадаги пахтани тераётганини кўриш мумкин. Шунинг натижасида улар бир кунда кўпи блан 20—30 килограммлан пахта терадилар, ҳолос. Ваҳолонки, худди шу пайтда қўшни участкаларда терим кечиктирилганлиги сабабли пахталар тўкилиб ётган бўлади. Колхозларда ишчи кучларини участкаларга кўчиришнинг ўзи блан ҳам иш унумдорлигини анча ошириш мумкин.

Жойларда терим агротехникаси талабларининг бузилаётганлиги ҳақида сигналлар келаётир. Тайёрлаш пунктлари пахта нам бўлганлиги учун ҳар куни юзлаб тонна пахтани колхозларга қайтариб юбормоқда. Бу колхозларнинг правленислари, агрономлар, МТС ва тайёрлаш пунктларининг ходимлари терим сифати устидан етарли контрольлик қилмаётганликларини кўрсатади. Область бўйича қабул қилинган пахтанинг фақат 7 процентигина отбор сортга ҳисобланган. Айрим колхозлар мутлақо отбор сорт пахта топшармаётирлар.

Пахта йиғим-теримида меҳнат унумини ошириш учун курашда теримчиларнинг модий манфаатдорлиги ғоят катта роль ўйнайди. Брок кўпчиллик теримчилар меҳнатга ҳақ тўлашнинг мавжуд системасини яхши билмайдилар. Қонда бўйича колхоз, дала участкаси ва ҳатто бригада учун турлича бўлган кундалик нормани бажарганлик учун теримчига 1,75 меҳнат куни ёзилиши керак. Нормани ошириб бажарганлик учун нормадан ошиб терилган пахта миқдорига пропорционал қўшимча меҳнат кунлари ёзилади. Масалан, кундалик норма 80 килограмм бўлгани ҳолда теримчи 100 килограмм пахта терса, унга нормани бажаргани учун 1,75 меҳнат куни, нормани ошириб бажаргани учун 0,44 меҳнат куни, ҳаммаси бўлиб 2,19 меҳнат куни ёзиш лозим.

Бундан ташқари, теримчиларга биринчи сорт пахта терганлиги учун ҳам 10 процент ва отбор сорт пахта терганлиги учун 20 процент ҳисобидан қўшимча меҳнат куни ёзилади. Масалан, октябрьнинг биринчи ўнкунлигида белгиланган норма 70 килограмм бўлганда, теримчи бир кунда 80 килограмм отбор сорт пахта териб топширди дейлик. Ў вақтда бу теримчига нормани бажарганлиги учун 1,75 меҳнат куни, нормани ошириб адо этганлиги учун 0,25 меҳнат куни ва пахтани отбор сорт қилиб терганлиги учун 20 процент меҳнат куни, жам'и бўлиб 2,2 меҳнат куни ёзилади. Мавсум нормасини бажаргандан кейин терилган пахта учун меҳнат куни бир ярим баравар қилиб ёзилади.

Аванс бериш бўйича белгиланган тартибга қаттиқ риоя қилиш керак, я'ни колхозчиларга ишланган меҳнат кунлари учун ҳар 15 кунда пул ва галла бериб туриш лозим. Колхозчиларга ишлаган меҳнат кунлари учун ҳақ тўлашни тўғри амалга ошириш учун дастлабки ҳисобни тартибли равишда олиб бориш зарур.

Ўз-ўзидан ма'лумки, МТС лардаги механизация воситаларидан кенг фойдаланмай туриб, пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш мумкин эмас. Мавжуд пахта териш агрегатлари блан ҳар куни камида планнинг ярим процента миқдорида пахта териш керак. Техникадан унумли фойдаланган вақтда ялпи терилган пахтанинг 25—30 процентини машина блан териб олиш мумкин. Афсуски, бу нарса кўпгина колхозлар томонидан ҳисобга олинмайди. Машинани қўлланишдан бош тортиш ҳоллари содир бўлмоқда. Масалан, Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг раиси Ўртоқ Шукуралиев гўза барглариии сун'ий равишда тўкиш ва майдонларни машина теримига тайёрлашдан бош тортмоқда. Ба'зи колхозлар машина блан териладиган майдонларда пахтани қўл блан терлириб катта хатога йўл қўядилар.

Қўл терими блан машинада теришни тўғри қўшиб олиб бориш — пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилиши учун гаравдир.

Я. БЕРСУДСКИЙ,
Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи

Пахта териш илғорлари

У. НИЕЗОВА,
Бекобод районидаги Молотов номли колхознинг мавсумда 10 минг килограмм пахта теришга аҳд қилган чевар теримчиси. Ҳозир у кунига 150 килограммдан ошириб термоқда.
А. Ким фотоси.

Х. ТИЛАМОВА,
Юқоричирчиқ районидаги «III Интернационал» колхозининг илғор теримчиси. У кўпмингчилар ҳаракатига қўшилиб, ҳозиргача 3 минг килограммдан ошириб пахта терди.

М. АБДУРАҲМОНОВА,
Янгийўл районидаги Молотов номли колхознинг пешқадам теримчиси. У кунига 150 — 160 килограммдан ошириб юқори сортли пахта териб, кунлик нормани икки баравар қилиб бажармоқда.

Машина блан пахта териш қизғин давом этмоқда

Мирзачўл районидаги 2-нчи МТСнинг А. Лупин ва В. Шолиев ўртоқлар бошлиқ трактор бригадалари районда биринчи бўлиб пахтани машина блан теришга киришдилар. Бу трактор бригадалари Ленин номли колхознинг Р. Отахонов ва М. Мўйлинов бошлиқ бригадаларининг 50 гектарлан ортиқ майдонлари пахталарининг биринчи теримини тамомладилар. Улар ҳар гектар ердан 15,2 центнердан юқори сортли пахта териб, хирмонга топширдилар.

Бригаданинг илғор механик-ҳайдовчиси ўртоқ Раҳмат Сувонқулов кунига 2400—2500 килограммлан пахта териб, бошқаларга намуна бўлмоқда. Шунингдек М. Астрелин, Н. Камолов, А. Сувонов ва А. Мамадалиев каби моҳир механик-ҳайдовчилар ҳам кунлик нормаларини 1,5 — 2 баравар қилиб бажараётирлар.

2-нчи МТС зонасидаги Каганович номли, Сталин номли, Шверник номли ва «Коммуна» колхозларида ҳам машина блан пахта терилмоқда.

В. ШОДМОНОВ.

Янги пахта ҳосили ортилган „яшил поездлар"

Тошкент магистралида янги пахта ҳосилидан тайёрланган тола оммавий равишда ташилабошланди. Темирйўлчилар бу толаларни мамлакат тўқимачилик корхоналарига ўз вақтида етказиб бериш учун мусобақалашмоқдалар. Бу маршрутдаги поездларни тезроқ юргизиш учун йўлда «яшил» поездлар деб аталган поездлар тузилмоқда. Бу поездлар одатдаги поездлардан шу блан фарқ қиладики, улар қайта ўзгартирилмай юқори тезлик блан 2500 километрдан ортиқ масофани босиб ўтаоладилар. Ҳозир йўлларда бундай поездларни тузиш оммавий тус олди. Сентябрь ойида «яшил» поездлар топширилда белгиланганидан икки ҳисса кўп жўнатилди.

Маршрутлаштириш юкларни етказиб бериш ва вагонлар оборотини анча тезлаштириш имкониятини берди. (ЎзТАГ).

Сирдар'ёда сур'ат бўш

Ҳарбир районнинг илғор, мўл ҳосил етиштириш жиҳатидан донгдор колхозлари бўлади. Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли, «Ҳақиқат» колхозлари областимиздагина эмас, ҳатто республикамизда ҳам машҳур ҳисобланади. «Ҳақиқат» колхозининг а'золари ўзларининг ана шу номларига яраша ҳар йили ҳам мўл ҳосил етиштирилар ва бу ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш давриа бошқаларга намуна кўрсатадилар.

Шу кунларда бу колхоз а'золари пахта тайёрлаш юзасидан берилган графикни намунали бажариб, район сводкасида биринчи ўринни эгаллаб келмоқдалар. Аммо шу колхоз блан қариб қўшни бўлган Охунбобоев номли колхоз нима учундир бу йил орқада судралиб қолмоқда. Охунбобоев номли колхоз район сводкасида ҳам, область колхозлари сводкасида ҳам охирги ўринларда турипти. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти йиғим-терим ишларини жадаллаштириш юзасидан амалий тадбир белгиламаётир. Пахта териш, қуритиш ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Колхоз партия ташкилоти (секретари Ҳ. Маҳкамов) колхозчилар ўртасида кўпминг килограммчилар мусобақасини кучайтиришга, ишни соатли график асосида ташкил этишга э'тибор бермаётир. Теримчилар ўртасида меҳнат интизоми бўшашиб кетган, айрим бригада ва звеноларда ишга кеч чиқиш, эрта қайтиш ҳоллари учрамоқда.

Охунбобоев номли колхознинг пахта тайёрлашда орқада қолаётганлиги Сирдар'ё районининг ҳам орқада қолишига та'сир кўрсатмоқда, чунки бу колхоз ер майдони ва ҳосил топшириши жиҳатидан районда салмоқли колхоз ҳисобланади. Колхоз раиси Ўртоқ Убайдуллаҳўжаев ва бошқа раҳбарлар ана шуни тўла ҳис қилишлари, йиғим-терим сур'атини кучайтириш учун колхоздаги катта имкониятларни тўла ишга солишлари керак.

Сирдар'ёдаги бошқа колхозлар ҳам ҳозирги қизғин кунларда ишни талабга муваффиқ уюштирмаётганликлари учун ҳар куни графикда белгиланганидан анча кам пахта топшармоқдалар. Ильич номли, Каганович номли колхозларда шу кунга қадар пахта терими чинакамига кучайтириб юборилмаган.

Каганович номли колхознинг Жўра Ҳакимов бошлиқ бригадасида теримга ажратилган кишиларнинг кўп қисми далага чиқмаётир, даладагилар ўртасида мусобақа кучайтирилмаганлиги сабабли белгиланган норма бажарилмай қолмоқда.

Сирдар'ё районида машина блан пахта теришга тайёргарлик ва бу ишни ўтказиш мутлақо қониқарсиз аҳволда. Ўтган йилларда мақталиб келган Охунбобоев номли колхозда машинага ажратилган 400 гектар ер тайёрланмаган, участка атрофлари текислинмаган, ўқариқлар кўмилмаган. Колхоз раиси Ўртоқ Убайдуллаҳўжаев: «Бу йил гўзамиз жуда ўсиб кетди, қаторларга машина кираолмаса керак», деб машина блан пахта теришга тўсқинлик қилмоқда. Каганович номли Ильич номли колхозларда ҳам шу аҳволни кўриш мумкин.

Район колхозларида пахтани қуритиш яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли ҳар куни қабул пунктидан кўплаб пахта қайтариб юборилмоқда.

Сирдар'ё район партия комитети (секретари Ўртоқ Каримов), район ижроия комитети (раиси Ўртоқ Аблушоҳилов) ҳозирги қолоқликдан чиқиш, районни илғорлар даражасига етказиб олиш учун курашиш-лари керак. Сирдар'ё районн пахта топшириш жиҳатидан область даражасидан орқада қолмоқда. Сирдар'ёлилар ана шу қолоқликдан чиқиш учун барча имкониятларга эга. Колхозлардаги ва МТСлардаги ички ресурслар, кучли техника ишга солинса, колхозларда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилса ва меҳнат намунали уюштирилса, пахтакорлар ўртасида кўпминг килограммчилар мусобақаси кенг ёйилсагина, район ҳозирги қолоқликдан чиқиб, ҳар куни 2 — 2,5 процент пахта топширишга муваффақ бўлади.

С. НУ'МОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

БИБЛИОГРАФИЯ

Янги Хитой кишилари ҳақида китоб

Янги халқ Хитойида бирнеча марта бўлган совет ёзувчиси Вадим Кожевниковнинг ҳикоя ва очерклар тўплами «Минг цзин»[1] деб аталади. Ёзувчи ўз мамлакатида социализм қуришдек буюк ишларни қилаётган, қалблари «энг мусаффо тог хрусталидек соф» оддий меҳнаткашлар ҳақида ҳикоя қилади. Биз ёзувчи блан бирга қурилишларда ёки янги хитой қишлоғида, қайта тикланган завод директорининг кабинетида ёки профессор-хирургнинг операция хонасида, барибир қаерда бўлсак ҳам хитой ишчилар синфи ва деҳқонларининг авангарди, Мао Цзэ-дун раҳбарлик қилаётган Хитой Коммунистик партиясининг ғоявий раҳбарлигини сезиб, кўриб турамиз.

Халқ оммасини япон милитаристларига қарши курашга отлантирган ҳам, мамлакат япон босқинчиларидан озод қилингач, халқни чанкайшичилар тўдасига қарши озодлик урушига сафарбар этган ҳам, меҳнаткашларга эркинлик, тинчлик, ер, сув, ма'рифат берган ҳам, завод ва фабрикаларни ишчиларнинг ўз мулкига айлантирган ҳам ана шу Хитой Коммунистик партиясидир. Ўз эркига, мамлакатнинг бой шахталари, конлари, серҳосил далаларига эгалик қилиш ҳуқуқини олган халқ ўз мамлакатининг ҳақиқий хўжайини бўлди. Ана шу ажойиб, талантли ижодкор халқнинг қандай яшаётганлиги, унинг асрий қолоқлик блан қандай курашаётганлиги, қийинчиликларни қандай енгаётганлиги, меҳнаткашларнинг давлатни қандай идора этаётганлиги, халқ орасидан етишиб чиқаётган ажойиб кишиларнинг шонли биографиялари Вадим Кожевниковнинг «Минг цзин» китобидаги ҳикоя ва очеркларда ёрқин акс этдирилган.

Ёзувчи бир электростанция партбюросининг секретари Ван Ци-мен мисолида коммунистларнинг фаолиятини тасвирлайди. Ван Ци-мен Халқ-озодлик армияси сафида, партия мактабида, кейинчалик уезд партия комитети секретарьлиги вазифасида ишлаб чиниққан, чинакам ҳаёт мактабини ўтган партия ходимидир. Партия уни электростанцияга йўллар экан, Ван Ци-мен у вақтда етарли техника ма'лумотига эга эмас эди. Электростанцияда эса гоминданчилардан, фашист ёшлар союзининг ва Игуан-дао деган яширин диний ташкилотнинг а'золари ҳам бор эди. Булар блан ишлаш оғир эди, албатта. Бироқ Ван Ци-меннинг коммунистларга таяниб секин-аста халқ ҳокимиятига содиқ ишчилар группасини тузганини, уларнинг фидокорона ишлаб, тамоман бузилиб ишдан чиққан генераторни тузатиб, электростанцияни юргизиб юборганликларини кузатиб борамиз. «Партбюро секретари Ван Ци-мен» ҳикоясида коммунистларнинг оғир саноат ишлабчиқаришидаги роли ва фаолияти ёрқин ифода этилган.

Профессор Хуан Цзян-синнинг ҳаёти ҳам қизиқарли эпизодларда ҳикоя қилинади. Ҳозир биринчи медицина институтининг хирургия клиникасида директорлик қилаётган Хуан Цзян-си Америкада олий ма'лумот олган, илгари гоминданчилар қўлида ишлаган, кейинчалик ўз халқига, унинг маданиятига муҳаббат блан қараган олим, хитой кўнгиллилари блан Корея ватанпарварларининг адолатли курашида ҳарбий врач сифатида иштирок этган кишидир. У ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатган коммунистлар ҳақида ҳаяжонланиб гапиради: «Бу нарса биринчи қарашда жуда оддий нарсалардек кўзга ташланади. Операция хонасида ўз навбатини бировга берган солдат коммунист экан. Мендан далил ва қат'ий ҳаракат қилишни сўраб, ўзининг азобланишига э'тибор бермаслигимни илтимос қилган ярадор коммунист экан».

Хитой деҳқонлари яқинда ўтказилган аграр реформани «чексиз бахтнинг улуғ дарвозаси» дейдилар. Аграр реформа ўтказилгандан кейин миллионларча ерсиз деҳқонлар энг қиммати бойлик — ер олдилар. Шундан сўнг Халқ ҳукуматининг чақириғи блан деҳқонлар дастлаб ўзаро ёрдам группаларига, кейинчалик эса ишлабчиқариш қишлоқ хўжалик кооперативларига уюшабошладилар. Бу яхши натижалар берди. Ишлабчиқариш унуми 30 процентга ошди. 1951 йилда эса фақат Шимолий-Шарқий Хитойнинг ўзидагина юз минг деҳқон ишга кирди.

Масалан, «Минг цзин» қишлоғини олиб кўринг. Агар деҳқон илгари ҳарбир му ердан 70—80 цзин ҳосил олган бўлса, 1953 йилда ана шу қишлоқдаги ишлабчиқариш кооперативига уюшган деҳқонлар гурунчдан ҳар му[1] ердан 1008 цзиндан ҳосил олдилар. Ҳаётдаги ўзгариш қишлоқда ҳам ўзгариш бўлишини тақоза қилди. Энди бу қишлоқни «Ботқоқ гадойлари қишлоғи» ўрнига «Минг цзин» номи блан ўзгартиришга тўғри келди. Халқ ҳукумати дар'ёда яшовчи, ҳочқачон ерга эга бўлмаган кишилар ҳақида ҳам ғамхўрлик қилди. Одамлар сол устига ясалган чайлаларда тунгилар, сув устида яшар ва қуруқликка тушмай ўлиб кетар эдилар. Ҳатто ўлганларни ҳам ерга кўмиш мумкин бўлмаганлигидан, мурдани дар'ёга оқизар эдилар. Хитой Халқ Республикасининг ҳокимияти топшириғи блан раҳбар ходимлардан бири — ўртоқ Ли И солларда яшовчи кишиларни қуруқликка олиб чиқиш ишлари блан шуғулланади. Ли И. саккиз ёшидан бошлаб шакарқамиш плантацияларида ишлайдошлайди. Кейин у завол ма'муриятидан турмадан қочган дўстининг ўлигини кўмиш учун рухсат сўрагани сабабли қамалади. У Кантон коммунасининг ташкилотчиларидан бири бўлади Партизанлар отрядига раҳбарлик қилиб, япон босқинчиларига қарши курашади. 1949 йилда Халқ-озодлик армиясининг қисмлари блан бирга Кантонга қайтаб келади. Энди у кишиларни сув устидан қуруқликка кўчириш ишлари блан шуғулланади. Бу кишилар илгари ҳамманинг э'тиборидан четда, ҳамма ҳазар қиладиган қуйи тоифадаги кишилар эди. Деҳқонлар ботқоқликни ўзлаштиришнинг янги йўлларини топадилар, у ерга бамбуқ ўтказадилар. Бу эса ботқоқликни қуритиш учун қўйилган биринчи қадам эди.

Мамлакат озод этилгунча деҳқонларнинг аҳволи жуда оғир эди. Уларнинг кўпи очликдан ўлмаслик учун бир қоп чумизага болаларини сотишар, кейин эса барча мол-мулкларидан ажралиб, умр бўйи помешчик қўлида батрак бўлиб ишлар эдилар. Агар ижарачи деҳқон ўзи эгиб ундирган ҳосилни йиғиб олгунлай бўлса, ўша замониёқ помешчик, сулҳўр, чиновник, полициячи ва солдатлар унинг тепасида ҳозир бўлар эдилар. Бечора деҳқоннинг тер тўкиб ундирган ҳосили хирмонининг ўзидаёқ эриб кетган бир уюм қордек йўқолар эди. Шунинг учун қишлоқ меҳнаткашлари халқни ўргимчакдек сўриб ётган текинхўрларни ла'натлар эдилар. Помешчиклар, сулҳўрлар, чиновниклар йўлбарсдек йиртқич, каркидондек кучли, тошбақадек очкўз махлуқлардир, улар ердан ҳам, осмондан ҳам қўрқмайдилар, назоратчилар эса «бир вақтлар помешчикнинг типлари бўлган эдилар» деяр эдилар. Вадим Кожевников «Минг цзин» ҳикоясида хитой деҳқонларининг қоронғу ўтмишини, ҳозирги бахтли ҳаётини ва порлоқ келажагини усталик блан кўрсатиб бераолган.

Хитой пролетариатининг аҳволи ҳам ўтмишда яхши эмас эди. Капиталистлар кунлик овқатагина зўрга етадиган маош блан ишчиларни суткасига 16—18 соатлан ишлатар эдилар. Агар кимки норозилик билирса, уни дарҳол кўчага ҳайдар эдилар; уларнинг ўрнига ўнларча бошқа уйсиз, ишсиз ва оч-яланоч кишилар олинар эди. Бунинг устига болалар ва аёлларнинг меҳнати қадрсиз эди, улар эркаклар оладиган маошнинг ярмининга ишлардилар. Оддий ишчилар ишдан ҳайдалмаслик учун усталарига, хўжайинларига совга-саломлар олиб беришга мажбур бўлар эдилар. Хитой Халқ Республикаси э'лон қилингач, пролетариатнинг аҳволи бутунлай ўзгарди. Биз Аньшань металлургия комбинатининг қурилишини, шахталарда кўмирни қазиб олишда янги методларнинг жорий қилинишини, янги-янги рационализаторлик таклифларининг амалга оширилишини, ишчиларининг завқ-шавқ блан, ғайрат ва шижоат блан ишга киришганликларини кўрамиз. Кичкинагина Ли Таун-чжэнь образида яқиндагина ўз устасига тик боқаолмаган, қаҳқадамда ундан уриш-сўкиш кутиб қалтираган, эзилган бир аёлдан ўз тақдирини қўлига олган, машинасозлик заводининг илғор ишчисига айланган бахтиёр, пешқадам аёлларнинг вакилини кўрамиз. «Ли Туан-чжэнь сўзи» ҳикояси). Ишчи Гу Сюй-юй мастерлик даражасига кўтарилган ва «Меҳнат а'лочиси» деган фахрли унвонга эга бўлган аёлларнинг биридир. Ли Фун-лен эса халқ сиёсий консультатив совети Миллий комитетининг а'золигига сайланган, Умумхитой касаба союзлари федерациясининг арбобларидан биридир. Ўтмишдаги батрак-аёл бугун меҳнат қаҳрамони, Пекин университети ҳузуридаги раҳбар ходимлар тайёрловчи курснинг студенткаси... бундай илғор хотин-қизлар халқ Хитойида минглаб топилади. Хотин-қизлардан 36 киши марказий ҳукумат аппаратида юқори мансабларда ишлайди, 287 киши эса жойлардаги давлат органларида ишлаб туриптилар.

Хитой меҳнаткашларининг модий-маданий даражаси кундан-кунга ошиб бормоқда. Дачжуанси қишлоғидаги магазин мудири Ли Вин-ши бундай дейди:

— «Бир кунда мен 4—5 миллион юанлик мол сотаман. Илгари молнинг ассортименти гаолян, чумиза, гурунч, ун ва тузлан иборат эди. Савдо ҳам осон эди, энди мендан китоблар, яхши-яхши газламалар, термослар, электр фонарьлари ва ҳатто уезд магазинларида ҳам кам топиладиган молларни талаб қилишаяпти. Оборотнинг ўсиши менинг савдо курсларига бориб ўқишимни тақоза қилди. Мен эса агрономликка ўқимоқчи эдим»

В. Кожевников мамлакатда йил сайин саводсизликнинг тугалиб боришини, мактабларнинг ортишини, дарсларнинг маҳаллий аҳоли она тилида олиб борилишини, ўқиш-ўқитиш ишлари совет педагогикаси методи асосида олиб борилишини «Ўқитучи Ли Жуен-чун» очеркида тасвирлаб берган

Ёзувчи гоминдан тарбиясини олган кишиларнинг психологияси қандай ўзгаришларгинини, уларнинг меҳнатга, халқ ишига, халқ ҳукуматига янгича муносабатини очиб беришга ҳам э'тибор берган. Кўз олдимиздан турли ижтимоий гуруҳларга мансуб кишилар образларининг галлереяси ўтади. (Гоминданчи, кейин эса деҳқон Тай Лю, инженер Фань ва бошқалар). Инженер Фань совет техникасига ишончсизлик блан қарайди. Чунки у совет техникасининг афзалликларини яхши билмас эди. Ёзувчи «Инженер Фаньнинг ҳаёт йўли» ҳикоясида бу интеллигент онгидаги ўзгаришни кўрсатиб бераолган.

Тўпламдаги ҳикоя ва очеркларда Совет Иттифоқи блан Хитой Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги улуғ дўстлик ғояси талқин қилинади. Бу ғоя совет мутахассисларининг ёрдамида, завод ва фабрикаларда совет новаторларининг янги-янги илғор методлари қўлланилишида, хитой педагогларининг ёш авлодни тарбиялаш ишида совет ўқитучилари методидан фойдаланишларида ва ҳатто хитойли дўстлар томонидан совет опласининг принципларини қизиқиб ўрганишларида кўринади. Бекса деҳқон Гао Шун-ци икки халқ ўртасидаги дўстлик ҳақида жуда яхши гапларни айтган: «Биз ўз қишлоқларимиз ҳақида гапирганимизда, бизнинг дўстимиз, биродаримиз совет халқининг бизга кўрсатиб келаётган ёрдамини эслаймиз ва биз бахсимизни: «Биз икки буюк халқ умрбод дўстлик учун қасам ичгани учун ва бу дўстликнинг қадимий тоғлардек мустаҳкамлиги учун енгамиз» деган сўзлар блан якунлаймиз».

Вадим Кожевниковнинг ҳикоя ва очеркларн образли жонли тил блан ёзилган. Автор бадиий, тасвирий воситалардан усталик блан фойдаланади, характерларнинг ёрқин бўлиб чиқишига ҳаракат қилади. Ҳикоя ва очеркларнги асосий қаҳрамонларнинг образлари ва жонли тили китобхон хотирида узоқ вақтгача сақланади. Ёзучи кўп ҳикоя ва очеркларини қаҳрамонларнинг сўзи — ҳикояси орқали баён қилади, хитой мақоллари, нақлларидан ўринли фойдаланади.

Вадим Кожевниковнинг «Минг Цзин» очерк ва ҳикоялар тўплами совет китобхонларини дўстона, улуғ, талантли, эркин хитой халқининг ажойиб кишилари блан, уларнинг жанговар ишлари блан таништирувчи асар сифатида катта аҳамиятга эга. Бу китобдаги ҳикоя ва очеркларни ўзбек тилига таржима қилинса жуда мо'қул иш бўлган бўлар эди.

Т. ОБИДОВ.

[1] —«Советский писатель» нашриёти, Москва, 1955 йил.

[1] Му—гектарнинг 1/15 қисми.

СССР БЛАН ЮГОСЛАВИЯ УРТАСИДА ПОЧТА, ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН АЛОҚАЛАРИ ҲАҚИДА ҲАМДА ПОЧТА ПОСИЛКАЛАРИ АЙИРБОШЛАШ ТЎҒРИСИДА БИТИМ

СССР Алоқа министрлиги таклифига мувофиқ Югославия Федератив Халқ Республикаси почта, телеграф ва телефон бош дирекциясининг делегацияси 19 сентябрьдан буён Москвада бўлди.

Дўстона вазиятда ўтган музокаралар натижасида Совет Иттифоқи блан ЮФХР ўртасида почта, телеграф-телефон алоқалари ҳақида ва почта посилкалари айирбошлаш тўғрисида 1955 йил 27 сентябрьда битимлар имзоланди.

Битимларни: СССР Алоқа министрлиги номидан СССР Алоқа министрининг ўринбосари И. В. Клоков, Югославия почта, телеграф ва телефон бош дирекцияси номидан ЮФХР почта, телеграф ва телефон бош директори Никола Миланович имзоладилар.

Битимларни имзолаш вақтида Югославия почта, телеграф ва телефон бош дирекцияси делегациясининг а'золари Миломир Мичич, Радмило Петрович, ЮФХРнинг СССРдаги элчихонаси маслаҳатчиси Ч. Борчич, СССР Алоқа министрининг биринчи ўринбосари К.Я . Сергейчук, шаҳарлараро телеграф-телефон алоқаси бош бошқармасининг бошлиғи И. С. Равич, Бош почта бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. И. Якушев ва СССР Алоқа министрлиги ташқи алоқалар бўлимининг бошлиғи Д. Д. Еригин ҳозир бўлдилар.

Югославия делегациясининг а'золари Москвада бўлган вақтларида Марказий телеграф, Москва почтамти ва СССР Алоқа министрлиги бошқа корхоналарининг иши блан танишдилар. (ТАСС).

ПОЛЬША БАЛИҚЧИЛАРИ СССР БОЛТИҚ ФЛОТИ ҚУМОНДОНЛИГИГА ТАШАККУР БИЛДИРДИЛАР

ВАРШАВА, 29 сентябрь. (ТАСС). Яқинда Болтиқ денгизида кучли довул бошланиб, промисловларда бўлган кўпгина поляк балиқ овлаш кемаларини хавф остида қолдирди.

Польша қутқазиш хизмати кемалари ва Польша ҳарбий-денгиз флотининг корабллари, шунингдек Совет Иттифоқи Болтиқ флотининг корабллари Польша балиқчиларига ёрдамга келдилар. Натижада балиқ овлаш кемаларининг ҳаммаси ва уларнинг командалари қутқазиб қолинди.

Шу муносабат блан Польша балиқчилари СССР Болтиқ флоти қўмондонлигига мактуб юбордилар. Улар бу мактубда Болтиқ денгизидаги довул вақтида хавф остида қолган Польша балиқ овлаш кемалари ва уларнинг командаларини қутқазишга ёрдам берганликлари учун самимий ташаккур изҳор қилдилар.

КАТТА БЕРЛИН ХАЛҚ ВАКИЛЛИГИНИНГ МАЖЛИСИ

БЕРЛИН, 29 сентябрь. (ТАСС). Кеча Берлинда Катта Берлин Халқ вакиллигининг мажлиси бўлди. Мажлисда қабул қилинган баёнот Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатлар тўғрисида тузилган Шартномани ва Германия Демократик Республикасининг бош министри Отто Гротевольнинг 26 сентябрьда Халқ палатаси мажлисида ҳукумат номидан қилган баёнотини тасдиқлайди.

Катта Берлин Халқ вакиллиги ўз баёнотида қуйидагиларни та'кидлайди: Тинчликсевар немислар Ғарбий Берлин ма'мурлари томонидан амалга оширилаётган «совуқ муносабатлар уруши» сиёсатини қоралайдилар ва Ғарбий Берлиндаги жосуслик диверсия марказларининг ишларига чек қўйишни талаб қиладилар.

Халқ вакиллиги Ғарбий Берлин сенати томонидан шу вақтгача амалга оширилиб келган реакцион сиёсат Ғарбий Берлин аҳолисининг аҳволига жуда ёмон та'сир кўрсатганлигини та'кидлаб, ана шу сиёсатнинг ўзгартирилиши ва Германия Демократик Республикаси блан музокаралар олиб борилиши Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштирган бўлур эди, деб уқтириб ўтади.

Германия Демократик Республикасининг ташкил этилганлигига октябрьда олти йил тўлади. Баёнот ана шу йилликни меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар блан кутиб олишга, ана шу байрам кунида ГДР аҳолисининг ўз ҳукумати теварагига жипслашганлигини ва тинчликсевар кучларининг тинчлик, бирлик, демократия ва социализм учун ҳурашга бўлган қат'ий иродасини намойиш қилиб кўрсатишга чақиради.

ХИТОЙ ХАЛҚ КЎНГИЛЛИЛАРИ ОЛТИ ДИВИЗИЯСИНИНГ КОРЕЯДАН ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА СИНЬХУА АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

ПЕКИН, 29 сентябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги мухбирининг Пхеньяндан билдиришига қараганда, Хитой халқ кўнгиллилари штабининг вакили октябрь ойида Хитой халқ кўнгиллиларининг олти дивизияси Кореядан Хитойга юборилажагини ма'лум қилган.

УРУМЧИДА СОВЕТ АРТИСТЛАРИНИНГ КОНЦЕРТЛАРИ

ПЕКИН, 29 сентябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Синьцзян-Уйғур автоном районига келган совет артистлари группаси 27 сентябрьда Урумчи шаҳрида биринчи концерт берди.

Группа составида Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон Совет Социалистик Республикаларининг артистлари бор. Концерт программасига мувофиқ, миллий рақслар ва ашулалар ижро этилди.

Концертни мингдан ортиқ киши тамоша қилди. Концерт гоят муваффақиятли ўтди.

Нью-Йоркда СССР Ташқи Ишлар министри В. М. Молотов ҳузурида қабул маросими

НЬЮ-ЙОРК, 29 сентябрь. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеясининг X сессиясида қатнашаётган СССР делегациясининг бошлиғи, СССР ташқи ишлар министри В. М. Молотов 28 сентябрьда БМТ Бош Ассамблеяси X сессиясида қатнашаётган делегацияларни ва Нью-Йорк шаҳри жамоатчилиги вакилларини қабул қилди.

Қабул маросимида БМТ Бош Ассамблеяси X сессиясининг раиси Х. Маса, БМТнинг бош секретари Д. Хаммаршельд, қуйидаги делегацияларнинг бошлиқлари — Боливия республикаси президентининг ўринбосари С. Суасо, Франция ташқи ишлар министри А. Пинэ, Мексика ташқи ишлар министри П. Нерво, Югославия ташқи ишлар министри К. Попович, Миср ташқи ишлар министри М. Фавзий, Бельгия ташқи ишлар министри П. Спаак, Чехословакия Республикаси ташқи ишлар министри В. Давид, Швеция ташқи ишлар министри Э. Унден, Украина ССР ташқи ишлар министри Л. Ф. Паламарчук, Дания делегациясининг бошлиғи Христиансен, Белоруссия делегациясининг бошлиғи, ташқи ишлар министри К. В. Киселёв, Эфиопия ташқи ишлар министри А. Хабте-Вольд, Канададан П. Мартин, Ҳиндистондан К. Менон, Бирмадан Д. Баррингтон, Польша Республикасидан М. Нашковский, Туркиядан С. Сарпер, Перудан В. Белаунде, Гватемаладан Каталан, Сурия дан Р. Алашаа, Покистондан бош министр М. Али, Ливандан Э. Ризқ, Ироқдан Жамолий, БМТ қуролсизланиш комиссияси Бичик комитетидаги АҚШ вакили Г. Стассен, Англия вакили А. Наттинг, Франция вакили Ж. Мок, АҚШнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Г. Лодж, БМТ бош секретарининг ўринбосари И. С. Чернишев, АҚШ марҳум президентининг рафиқаси Элеонора Рузвельт, Америкининг машҳур жамоат арбоби Поль Робсон, Америка ёзучиси Говард Фаст, профессор У. Дюбуа, Нью-Йоркдаги савдо-саноат доиралари ва интеллигенция вакиллари, совет, америка ва четэл матбуотининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида совет томонидан Бош Ассамблеянинг X сессиясида қатнашаётган СССР делегациясининг а'золари, уларнинг ўринбосарлари, делегация маслаҳатчилари, СССРнинг БМТ ҳузуридаги ваколатхонасининг ходимлари ҳозир бўлдилар.

БМТ Бош Ассамблеясининг X сессиясида

28 сентябрь кундузги ялпи мажлис

НЬЮ-ЙОРК, 29 сентябрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг 28 сентябрь кундузги ялпи мажлисида Белоруссия ССР делегациясининг бошлиғи К. В. Киселёв биринчи бўлиб сўзга чиқди.

К. В. Киселёв қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш проблемаларига тўхталиб, делегатларнинг а'тиборини СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганиннинг 19 сентябрьда АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрга юборган мактубига жалб этди. К. В. Киселёв бу мактубда БМТ қуролсизланиш комиссияси Бичик комитетининг дастлабки ҳафталардаги иши ҳали кутилган натижаларни бермаганлигига қандай қоллар сабаб эканлиги кўрсатилганлигини та'кидлади, шунингдек бу масала юзасидан битимга келиш учун реал имкониятлар борлигини кўрсатди.

Белоруссия делегациясининг бошлиғи бундай деди: Ҳозирги вақтдаги вазифа — СССР ва АҚШ халқлари учун ҳам, бутун дунё халқлари учун ҳам ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган қуролсизланиш проблемасини тўхтаб қолган жойидан силжитиб юбориш имконини берадиган йўлларни қидириб топиш учун бутун кучларни сафарбар қилишдан иборат. Эндиликда гап ғарб давлатларида қолган. Ғарб давлатлари бу масалада ҳамкорлик руҳини кўрсатишлари керак. Қуролсизланиш тўғрисидаги совет таклифлари, деди Киселёв, бир мақсадни кўзда тутади. Бу мақсад — инсониятни янги урушдан халос қилишдан, давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинликни юмшатишдан, зўр бериб қуролланиш давом этаётганлиги орқасида халқларга солинган оғир солиқлардан уларни халос қилишдан иборат.

Сўнгра, Киселёв дедики, белорус халқи Европада хавфсизликни та'минлашдан иборат муҳим проблеманинг ҳал этилишидан астойдил манфаатдордир, чунки Белоруссия шу асрнинг биринчи ярми мобайнидагина икки марта мислсиз вайронгарчиликка дуч келди. Хавфсизликнинг самарали коллектив системасини вужудга келтириш йўли блан, деди Киселёв, Европада узоқ давом этадиган мустаҳкам тинчликка эришиш мумкин. СССР делегацияси тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева Кенгашида ҳудди шундай системани вужудга келтиришни таклиф этди. Шу блан бирга, деди сўзини давом этдириб Киселёв, Европа хавфсизлиги проблемасини ҳал этиш ва Германия масаласини ҳал этиш ўзаро маҳкам боғланган масалалар эканлигини унутмаслик лозим. Биз Германияга энг яқин турган мамлакатларнинг бирида яшамоқдамиз. Шу сабабдан, биз ҳозирги вақтда Париж битимларига мувофиқ Ғарбий Германиянинг ремилитаризация қилинаётганлигига бефарқ қарай олмаймиз.

Белоруссия ССР вакили Совет ҳукуматининг Германия Федерал Республикасига нисбатан ҳам, Германия Демократик Республикасига нисбатан ҳам кўрган муҳим тадбирларини табриклади. Бу тадбирлар Европа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга ёрдам бериши керак.

Киселёв Жанубий Корея ҳукумати ва Жанубий Вьетнам ма'мурлари ана шу районларга доир проблемаларни БМТ қарорлари руҳида ва 1954 йилда ўтказилган Женева конференцияси қарорлари руҳида ҳал этишга халақит бериш учун уринаётганликларига Бош Ассамблеянинг э'тиборини жалб этди. Белоруссия делегациясининг бошлиғи улуғ Хитой халқининг БМТдаги қонуний ҳуқуқлари тезликда тиклансин, деб талаб қилди. Киселёв «Халқаро кескинликни янада юмшатиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» СССР делегацияси томонидан Бош Ассамблеянинг шу сессиясига тақдим этилган резолюция проектини қўллаб-қувватлади.

Белоруссия ССР делегацияси, деди Киселёв сўзининг охирида, БМТ ўз бурчини бажаради ва Уставга ёзилган буюк мақсад ҳамда принципларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилади. янги уруш хавфининг олдини олиш учун ҳамма чораларни кўради, давлатлар ўртасида зарур ишонч ўрнатилишига ёрдам беради ва халқлар ўртасида тинчликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга эришади, деб ишонч билдиради.

Шундан кейин, Индонезия вакили Агунг сўз олди. У, Бош Ассамблеяни ишонтириб айтдики, Индонезия ўз халқининг тинчликка, равнақ топишга ва халқаро ҳамкорликка интилаётганлигига амал қилиб, бундан буён ҳам мустақил сиёсатни амалга оширади.

Агунг Осиё ва Африка мамлакатларининг Бандунг конференцияси ва тўрт буюк давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева Кенгаши халқаро кескинликни юмшатишда катта роль ўйнаганлигини та'кидлади ва БМТ а'золарини халқаро кескинликни янада юмшатишда ва халқлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашга эришмоқ учун бутун кучларини сафарбар қилишга чақирди.

Индонезия делегациясининг бошлиғи ишонч билдириб айтдики, Бош Ассамблеянинг X сессияси мустамлака проблемаларини, Марокаш, Тунис ва Жазоир тўғрисидаги масала каби масалаларни жиддий муҳокама қилади ҳамда бу масалаларни тинч йўл ва адолатли суратда ҳал этиш учун тўғри йўллар топади.

Агунг иқтисодий проблемалар ҳақида гапириб, «иқтисодий соҳадаги кескинлик»ни юмшатишга ва мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамда савдо муносабатларини нормаллаштиришга халакит бераётган ғовларни йўқотишга чақирди. У, иқтисодий тараққиётга ёрдам бериш учун махсус фонд тузиш ҳақида Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясининг берган тавсияларини қувватлади.

Индонезия делегати БМТга янги а'золар қабул қилиш масаласини ҳал этган пайтда универсаллик принципига риоя қилишини қувватлади. У, Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқларини тезликда тиклашга чақирди.

Либерия делегациясининг бошлиғи мустамлака масалаларига тўхталиб, бундай деди: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти «Африка қит'асининг шимолий қисмидаги даҳшатли қирғинчиликдан ва ваҳшиёна ишлардан кўз юмаолмайди». «Террорчилар ва ис'ёнчилар» деб та'на қилинаётган кишилар, деди у, ўз ҳукуматларини ўзлари сайлаш ҳуқуқи учун, билим олиш ҳуқуқи учун, яхши ҳаёт кечириш ҳуқуқи учун курашмоқдалар, холос.

Кундузги мажлиснинг охирида Уругвай делегациясининг бошлиғи Басагоити сўзлади. Басагоити «Женева руҳи» бутун дунёдаги ҳаётнинг моддий ва социал шарт-шароитларини яхшилашга ҳамда мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни нормаллаштиришга ёрдам беради, деб умид билдирди. Уругвай делегати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига ҳали эга бўлмаган халқларга ана шу ҳуқуқнинг берилишига тегишинча э'тибор қилиши керак, деган истагини ҳам билдирди.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 29 сентябрь (ТАСС). Югославия делегациясининг бошлиғи, Югославия ташқи ишлар министри К. Попович кеча СССР делегацияси шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССРнинг АҚШдаги элчиси Г. Н. Зарубин, СССРнинг Англиядаги элчиси Я. А. Малик, СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Ю. Ю. Матулис, СССР ташқи Савдо министрининг ўринбосари П. Н. Кумикин, РСФСР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Т. А. Николаева ҳозир бўлдилар.

НЬЮ-ЙОРК, 29 сентябрь. (ТАСС). СССР ташқи ишлар министри В. М. Молотов, шунингдек, В. В. Кузнецов, А. А. Соболев, Г. Н. Зарубин, Я. А. Малик, Л. Ф. Паламарчук, К. В. Киселёв ва Ю. Ю. Матулис 28 сентябрь кундуз куни Индонезия ташқи ишлар министри А. Агунгнинг қабулида ҳозир бўлдилар.

В. М. Молотов, шунингдек В. В. Кузнецов, А. А. Соболев ва Ю. Ю. Матулис 28 сентябрь кечқурун Миср делегациясининг бошлиғи, Миср ташқи ишлар министри Фавзий томонидан берилган зиёфатда ҳозир бўлдилар.

Ўша куни СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов Англия ташқи ишлар министри Г. Макмиллан блан учрашди.

Суҳбатда СССРнинг Англиядаги элчиси Я. А. Малик ҳозир бўлди.

ПАРИЖДА ЖАҲОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ 10 ЙИЛЛИГИНИНГ ВА ФРАНЦИЯ УМУММЕҲНАТ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ 60 ЙИЛЛИГИНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ

ПАРИЖ, 29 сентябрь. (ТАСС). Кеча Парижда Жаҳон касаба союзлари федерациясининг 10 йиллиги ва Франция Умуммеҳнат конфедерациясининг 60 йиллиги байрами ўтказилди. Ана шу икки байрамни нишонлаш учун чет эллардан келган меҳмонлар шу жумладан, СССР, Хитой Халқ Республикаси ва Чехословакия Республикаси касаба союзларининг делегациялари Металлистлар уйига тўпландилар. Буерда ҳозир бўлган кишилар орасида Жаҳон касаба союзлари федерациясининг раиси Ди Витторио, Жаҳон касаба союзлари федерациясининг бош секретари Луи Сайян ва Лотин Америкаси меҳнаткашлари конфедерациясининг раиси Ломбардо Толедано ҳам бор эди. Франция Умуммеҳнат конфедерациясининг бош секретарлари Бенуа Фрашон ва Ален де Леан, Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Жак Дюкло ва Франция Коммунистик партиясининг бошқа раҳбарлари, Франциядаги бошқа бирқанча прогрессив ташкилотларнинг вакиллари ҳам келган эдилар.

Совет касаба союзлари делегациясининг раҳбари, ВЦСПС раисининг ўринбосари Л. Соловьёв табрик нутқи сўзлади.

Л. Соловьёв Жаҳон касаба союзлари федерациясига совет касаба союзлари номидан байроқ ва совғаларни топширганидан кейин, Франция Умуммеҳнат конфедерациясининг жаҳон ишчилар ҳаракатида ўйнаётган катта ролига тўхталиб ўтди. Л. Соловьёв француз ишчилар синфининг ҳаётий манфаатлари ва талаблари учун, француз касаба союз ҳаракати бирлигини мустаҳкамлаш, тинчлик учун ва Франция-ни яшнатиш учун ҳурашда Франция Умуммеҳнат конфедерациясига совет касаба союзлари ва СССРнинг барча меҳнаткашлари номидан янгидан-янги муваффақият қозонишни тилади. Шундан кейин Л. Соловьёв ВЦСПСнинг топшириғига мувофиқ, Франция Умуммеҳнат конфедерацияси раҳбарларига байроқ топширди. Бу байроқда шу сўзлар ёзилган: «Франция ва СССР меҳнаткашларининг бузилмас қардошларча дўстлиги учун».

Шундай кейин, Умумхитой касаба союзлар федерацияси ижроия комитети раисининг ўринбосари Лю Чжан-шэн ва Жаҳон касаба союзлар федерациясининг раиси Ди Витторио табрик нутқи сўзладилар.

Англияда забастовка ҳаракати

ЛОНДОН, 29 сентябрь. (ТАСС). Англия меҳнат министрлигининг расмий органи «Министри оф Лейбор газетт»да босилган ма'лумотларга қараганда, 1955 йилнинг дастлабки саккиз ойи ичида Англияда бўлган забастовкалар натижасида қарийб 3 миллион иш куни қўлдан бой берилган. 1954 йилнинг ана шу даврида 839 минг иш куни қўлдан бой берилган эди.

Уч министрнинг сепарат кенгаши тўғрисида «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабари

НЬЮ-ЙОРК, 29 сентябрь. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетасининг мухбири Гамильтон ғарбдаги уч давлат ташқи ишлар министрларининг кенгаши тўғрисида хабар бериб, ахборотда қуролсизланиш тўғрисида ҳеч қандай гап йўқлиги АҚШ, Англия ва Франция ташқи ишлар министрларининг бу масала юзасидан қат'ий қарорга келаолмаганликларини кўрсатади, деб ёзади.

МЕКСИКАДА ДОВУЛ

НЬЮ-ЙОРК, 29 сентябрь. (ТАСС). Ассошийтед Пресс агентлиги мухбирининг Мехикодан билдиришига қараганда, 27 ва 28 сентябрьда Юкатан яриморолида кучли довул бўлган. Бунинг натижасида 200 киши ҳалок бўлган. Мексика президентининг вакили яродорлар сони бирнеча минг кишига етиши мумкин, деб билдирди.

Тегусигальпадаги (Гондураснинг пойтахти) об-ҳаво бюроси соатига салкам 100 миля тезликдаги довул Кампече кўрфазида бошланганлигини ва Мексиканинг жанубий қисмида Веракрус ва Туспан шаҳарлари ўртасида жуда авж олганлигини билдирди.

Об-ҳаво бюроси ғарбий ва ғарб-шимолий томонларда соатига салкам 21 миля тезликдаги довул бўлганлигини та'кидлайди.

Тошкентда



«Таштекстильмаш» заводида ишчиларнинг маданий дам олишлари учун ҳамма шароит яратилган. Заводда физкультура-спорт, шахмат-шашка каби тўгараклар мунтазам ишлаб туради. **Суратда:** план бўлимининг экономисти **А. Шувакина** ва техника контроль бўлимининг ходими **Л. Бандорина** ўртоқлар тушки дам олиш пайтида стол тенниси ўйнамоқдалар.

А. Аверьянов фотоси.

Музика мавсуми

Яқинда Тошкентдаги Свердлов номли концерт залида кузги ва қишки музика мавсуми очилди. Мавсумнинг очилишида Ўзбекистон ССР халқ артисти В. П. Девлет, Навоий номли опера ва балет театрининг солистканси Ойниса Кучликова, Бухарестда бўлиб ўтган 4-нчи Жаҳон ёшлар ва студентлар фестивалининг лауреати Асад Азимов ҳамда Ўзбекистон филармониясининг капелласи қатнашдилар.

Янги кузги ва қишки мавсум программасида 50 га яқин симфоник концерт берилади. Концерт программасига рус классик музикасининг энг яхши асарлари, Ғарбий Европа, ўзбек совет композиторлари ҳамда қардош республикаларнинг музикаларидан киритилган. Тамошабинлар мавсумда композитор Шостаковичнинг Тўқкизинчи симфониясини, Скрябиннинг Учинчи симфониясини ҳамда Хачатурянинг бирқанча янги асарларини биринчи марта эшитадилар.

Мавсумда Ленинград, Москва ва бошқа қардош республикаларнинг артистлари ҳам қатнашадилар.

Шу блан бирга Ўзбек давлат филармонияси саноат корхоналарида, мактабларда, олий ўқув юртларида, клубларда ва бошқа жойларда музика лекторийлари ташкил этишни ҳам планлаштирган.

Рассомлар йиғилиши

Яқинда «Пионер» журнали редакциясида рассомлар йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишга республикада хизмат кўрсатган сан'ат арбоби А. Абдуллаев, Д. Синицкий, Н. Леушин, Н. Қўзибоев, М. Саидов, Б. Жуков каби бирқанча рассомлар қатнашдилар. Улар журналнинг сиртқи ва ички безакларини янада яхшилаш масаласини муҳокама қилиш блан бирга, йўл қўйилаётган нуқсон ва камчиликларни ҳам қаттиқ танқид қилдилар. Журнал техника тузилиши жиҳатидан ўқучиларнинг талабларига мутлақо жавоб бермайди. Журналда чиқаётган расмдаги болалар бир-бирларига ўхшаб қолади. Ўқучиларни қизиқтирадиган жонли расмлар йўқ. Кейинги кунларда журнал муқоваларидаги расмлар ранг-баранг эмас, кўримсиз, хира ва сифатсиз бўлиб чиқмоқда.

Йиғилиш «Пионер» журналининг бундан кейинги сонларининг сифатли, расмларининг рангба-ранг бўлиши ва уни болалар севиб ўқийдиган қилиб чиқаришга алоҳида аҳамият бериш лозимлигини та'кидлади.

Тантанали кеча

Яқинда Муқимий номидаги республика музикали драма ва комедия театрининг биносида А. Н. Островский номидаги театр-бадиий институти ташкил топган кунинг 10 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Бунда институтни тамомлаган ёш мутахассислар, шунингдек Ўзбекистон саҳна сан'атининг отоқли мастерлари, Тошкент рассомлари ва театр жамоатчилигининг йирик вакиллари қатнашди.

Кечада театр-бадиий институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари ўртоқ Х. Устабоева институтнинг 10 йиллик фаолияти ҳақида доклад қилди. У ўз докладида институт шу ўтган давр ичида 300 дан ортиқ актёр, режиссёр ва тетаршунос тайёрлаб чиқарганини алоҳида та'кидлаб ўтди.

Докладдан сўнг Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосари Раҳимбобоева, СССР халқ артисти С. Эшонтўраева, артист Мягкова, Охунбобоев номидаги ёш тамошабинлар театрининг режиссёри Дўстхўжаев ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, юбилей муносабати блан институт коллективини қизғин табриклаётган ва уларнинг бундан сўнгги ишларида янги муваффақиятларга эришишларини тиладилар.

Кечанинг иккинчи қисмида институтни тамомлаган ёш мутахассислар ва ҳозирда институтда ўқиб турган студентлар ижросида ба'зи спектакльлардан парчалар кўрсатилди.

Корея Халқ-Демократик Республикасидан кинофильмлар олинди

Республиканинг бирқанча районларида четэллар блан маданий алоқа қилучи Ўзбекистон жамияти томонидан СССР блан маданий алоқа қилучи Корея жамиятидан олинган янги корейс фильмлари кўрсатилмоқда.

«Разведкачилар», «Партизан қиз» деган бадиий фильмлар зўр қизиқиш блан тамоша қилинди. Бу фильмларда корейс халқининг озодлик уруши давридаги қаҳрамонона курашни кўрсатилади. Тамошабинлар «Пхеньяннинг тикланиши» ва «Учйиллик план» деган ҳужжатли фильмларни кўриб, урушдан кейинги даврда Корея Халқ Демократик Республикасининг тикланиши ва ривожланиши блан танишдилар.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/X да **Қутлуғ қон**, 2/X да кундуз **Қутлуғ қон**, кечқурун **Оғриқ тишлар**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—1/X да **Мазепа**, 2/X да кундуз **Мис чавандоз**, кечқурун **Кўр ўғли**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Аттракцион — **йиртқич ҳайвонлар**. Ўргатучи — **Иван Рубан**. Якшанба куни **3 марта тамоша** кўрсатилади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача бадиий фильм-музикали комедия **Янги ер**, кеч соат 8 ва 10 да **Пўлат солдат**.

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10 дан кундуз 4 гача **Янги ер**, кундуз соат 4 дан кеч 6 гача **Душманликнинг тугаши**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун янги хитой бадиий фильми **Дар'ёнинг нариги ёғидаги разведка**, кундуз соат 4—20 минутда 3-нчи залда **Атом қуввати блан ишловчи дун'ёда 1-нчи электростанция**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 дан **Олтин антилопа**, кундуз соат 12 дан кеч 8 гача **Дадил разведка**, кеч 8 ва 10 да **Янги ер**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — эрталаб **Шайтон панжасини қирқамиз**, кундуз ва кечқурун **Янги ер**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — **Шошилинч хат**.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎДАРНИК» — **Янги ер**.

«ХИВА» — **Байжу Бавра**.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги «кинопрокат» Ўзбекистон конторасы блан биргаликда 1 ва 2 октябрьда ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ҲАММА КИНОТЕАТРЛАРИДА **Хитой Халқ Республикасининг олти йиллигига бағишлаб** ХИТОЙ КИНОФИЛЬМЛАРИНИ КЎРСАТАДИЛАР

Кинотеатрларда қуйидаги фильмлар кўрсатилади:

«ИСКРА» — янги бадиий фильм **Дар'ёнинг нариги ёғидаги разведка**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — **Дадил разведка**.

«РОДИНА» — **Пўлат солдат**.

НАВОИЙ номли — **Душманликнинг тугаши**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — **Шошилинч хат**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — **Шайтон панжасини қирқамиз**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — **Аждар мўйлови**.

СОБИР РАҲИМОВ номли — **6-нчи дарвоза**.

Кинотеатрлар фойесида Хитой Халқ Республикасининг 6 йиллигига бағишланган лекциялар ва суҳбатлар ўтказилади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИ НИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135 Маданият бўлими — 132 Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 01730 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1518.